Тошкент ҳақиқати

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 177 (10.426).

1992 йил 29 декабрь сешанба

Баҳоси 3 сўм.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг матни ва мусиқавий таҳрири тасдиқлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Давлат суверенитетининг рамзидир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясига зўр эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси:

1) Ўзбекистон Республикасида нишонланадиган умумхалқ байрамларга бағишланган тантанали йиғилишлар ва мажлисларнинг очилиши ҳамда ёпилиши вақтида;

2) Янги йил кечаси Тошкент вақти билан соат 24 да республика телевидениеси ва республика радиоси орқали; Ўзбекистон Республикасида нишонланадиган умумхалқ байрамлари кунларида; республика телевидениеси орқали — дастурларнинг бошланишида; ҳар куни Ўзбекистон радиоси республика ички радиоэшиттиришлар орқали дастурларнинг бошланиши ва тугалланиши олдидан;

3) республика ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни нишонлаш юзасидан атоқли сиёсий, давлат ва ҳарбий арбоблар, халқ қаҳрамонлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари шарафига ўрнатилган ҳайкаллар, шунингдек монументлар, ёдгорликлар ва бошқа иншоотларнинг очилиши вақтида;

4) давлат идоралари, корхоналар, муассасалар ва жамоат бирлашмалари томонидан ўтказиладиган маросимлар ва бошқа тантанали тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини кўтариш чоғида;

5) расмий сафар билан Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган хорижий мамлакатларнинг давлат бошлиқлари ва ҳукумат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш вақтида — тегишли хорижий давлатнинг Давлат мадҳияси ижро қилиб бўлинганидан кейин ижро этилади.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ушбу Қонун талабларига риоя этган ҳолда давлат идораларининг, корхоналар, муассасалар ва жамоат бирлашмалари раҳбарларининг қарорига биноан бошқа ҳолларда ҳам ижро этилиши мумкин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси оркестр, хор, хам оркестр—ҳам хор томонидан ёки ўзга вокал ва чолғу асоблари билан ижро этилиши мумкин. Бунда овоз ёзиб олиш воситаларидан фойдаланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси вокал ҳамда вокал-чолғу асоблари билан ижро этилган тақдирда тўлиқ ижро этилади, чолғу асобларининг ўзида ижро этилган тақдирда эса мадҳия қисман ижро этилишига йўл қўйилади — ашуланинг бошланиши ва нақорат бир мартадан айтилади.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси мадҳиянинг ушбу Қонун билан тасдиқланган матни ва мусиқавий таҳририга айнан мувофиқ ҳолда ижро этилмоғи лозим.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси кўпчилик ҳузурида ижро этилган тақдирда ҳозир бўлган кишилар мадҳияни тик туриб, эркаклар бош кийимини олган ҳолда ёки қўлини чеккасига қўйиб тинглайдилар.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини:

ҳарбий қисмларда, ҳарбий кемаларда ижро этиш, шунингдек мадҳия ижро этилаётган пайтда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий салом бериши — ҳарбий уставлар билан;

ички ишлар идораларида ижро этиш, шунингдек мадҳия ижро этилаётган пайтда ички ишлар идораларининг одлий аскарлар ва бошлиқлар таркибидан бўлган шахсларнинг салом бериши — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги белгилаб қўйилган қоидалар билан;

ўқув юртларида ижро этиш — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор ташкилотлар билан келишиб туриб белгилаб қўядиган қоидалар билан тартибга солинади.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида республика ва халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси манфаатдор ташкилотлар билан келишиб туриб белгилаб қўядиган қоидалар га мувофиқ ижро этилади.

Халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ижро этиш маросими халқаро спорт ташкилотларининг мавжуд амалиётини инобатга олган ҳолда белгиланади.

10-модда. Хорижий давлатлар ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг муассасалари ва ташкилотлари ўтказиган тадбирлар вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ўша мамлакат тажрибаси ва маҳаллий урф-одатларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги белгилаб қўядиган қоидаларга мувофиқ ижро этилади.

11-модда. Ички ишлар идораларида, ўқув юртларида, спорт мусобақалари вақтида, шунингдек хорижий давлатлар ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг муассасалари ва ташкилотлари тегишли тадбирлар ўтказган вақтда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ижро этиш қоидалари ушбу Қонун талабларига асосланиб белгиланади.

12-модда. Ушбу Қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиб бориш давлат идораларининг, корхоналар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари зиммасига, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини кўтариш вақтида ижро этиладиган ҳолларда эса Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиб бориш шарт бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслар зиммасига ҳам юкланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 10 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Белгилаб қўйилсинки, ушбу Қонун билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси 1992 йил 10 декабрдан ҳамма жойда ижро этилади.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Раёсатининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат гимни тўғрисида»ги 1978 йил 18 март Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1978 йил, № 9. 134-модда; № 12);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Раёсатининг «Ўзбекистон Республикасиниг Давлат гимни тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1985 йил 29 апрель Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1985 йил, № 13, 141-модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси
Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 10 декабрь.

«МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИГА

Муҳтарам дўстлар!

Қадрли опа-сингиллар!

Сизларни, бирлашманинг барча аъзоларини, ишчилари, инженер-техник ходимларини, шунингдек, меҳнат фахрийларини ажойиб сана — корхонангиз ташкил топган куннинг 50 йиллиги билан чин қалбимдан табриклайман.

«Малика» бирлашмаси ғоят шонли ва ибратли йўлни босиб ўтди. Эндликда юксак механизациялашган, илғор техника ва технология билан жиҳозланган йирик замонавий корхонада турли миллат вакиллари аҳил ва ҳамжиҳат меҳнат қилмоқдалар. Зийрак ва билимдон, моҳир ва меҳрибон опа-сингилларимизнинг кўз нурлари, заргарона меҳнатлари билан яратилаётган халқ истеъмоли маҳсулотлари бугун республикамиздан ташқарида ҳам эътибор қозонаётгани ғоят қувонарлидир.

Азиз дўстлар!

Келажакда «Малика»нинг довруғи янада ортиб, қитъалар оша таралишига ишонаман. Мустақил Республикамиз шон-шуҳратини мустаҳкамлаш йўлидаги ишларингизда улкан зафарлар тилайман.

Кириб келаётган 1993 йилда барчангизга катта бахт-саодат, омад ёр бўлсин!

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Ислом КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил, 25 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ТОШКЕНТДАГИ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, республикада енгил саноатни ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат турмушида фаол иштирок этганликлари учун қуйидагиларга Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвони берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»

Ғуломов Рустам Маҳкамович — бирлашма бош директори

Ҳаитова Зуҳра Миржалиловна — устки трикотаж фабрикасининг тикувчиси

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Абдуллаев Зикрилла Лутпуллаевич — цех бошлиғи

Еремеева Екатерина Павловна — тажриба цехининг тикувчиси

Исроилова Зуҳра — 2-фабрикининг тикувчиси

Обидов Маҳамадамин Исроилович — цех бошлиғи

Убайдуллаев Карим — бош механика цехининг автокран ҳайдовчиси

Шерматова Хатира — 1-фабрикининг тикувчиси

Эрматова Написа Турсунбоевна — 2-бичув-тикув цехининг тикувчиси

Ҳаитова Машкура Сунатовна — тўқув цехининг тўқувчиси

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 25 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

1993 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ЯГОНА ТАРИФ СЕТКАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Иш ҳақининг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш, турли тоифалардаги ходимлар меҳнатига меҳнатнинг мураккаблиги ва ходимларнинг малакасига боғлиқ ҳолда ҳақ тўлашнинг асосланган даражаларини белгилаш, бу даражаларни бундан буён сақлаб туриш воситасини вужудга келтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси тасдиқлансин. Халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларидаги ходимлар учун қўлланиш соҳасидан қатъи назар, меҳнатга ҳақ тўлашга холисона ёндашишни таъминловчи турли тоифалардаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш даражаларини ягона услубий негизда табақалаштириш ягона тариф сеткасига асос қилиб олинсин.

2. Энг кам иш ҳақи (ойига 2000 сўм) миқдоридаги бошланғич разряднинг тариф ставкаси ва разрядлараро тариф коэффициентлари иловага мувофиқ ягона тариф сеткасига асос қилиб белгилансин.

3. Ишчи ва хизматчиларнинг умумтармоқ лавозимлари бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг 28 разряди тасдиқлансин.

4. Ягона тариф сеткаси асосида ҳисобланган, тариф ставкаларига район коэффициентлари бўйича тўловлар ҳам киритилган ҳолда, амалдаги имтиёзлар, қўшимча тўловлар ва устама ҳақлар сақлаб қолинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги:

Бир ҳафта муддат ичида вазирликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ягона тариф сеткасининг жорий қилиниши билан боғлиқ бўлган зарур ташкилий ва методик ишларни амалга оширсин;

Халқ хўжалиги ишчи ва хизматчиларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини жорий қилишга доир тавсияларни ишлаб чиқсин ва 1993 йил 15 январгача тасдиқласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ягона тариф сеткасини қўлланиш бюджетдан маблағ билан таъминланадиган барча муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар учун мажбурийдир.

7. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда икки ҳафта муддат ичида амалдаги ставкалар ҳамда окладларни ягона тариф сеткаси талабларига мувофиқ қайта кўриб чиқсинлар.

8. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик ҳисобидаги бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларга уларнинг тайёрлиги ҳамда зарур миқдорда молиявий маблағлари мавжудлигига қараб 1993 йилнинг 1-ярмида ягона тариф сеткасини жорий этишга ўтиш тавсия қилинсин.

9. Ушбу қарорга мувофиқ ходимлар учун тариф коэффициентларини, устама ва қўшимча тўловларни ҳисобга олиб жорий этиладиган ставка (оклад)лар амалдаги ставка (оклад)лардан кам бўлган тақдирда мазкур ходимларга уларнинг ушбу муассасада, ташкилотда шу вазифада ишлаган вақти учун иш ҳақидаги тегишли фарқ тўланади.

10. Меҳнат вазирлигига касбларнинг тариф-малака маълумотномасида ўз аксини топмаган касблар (лавозимлар)ни ягона тариф сеткасининг тегишли разрядларига киритиш ҳуқуқи берилсин.

11. Меҳнат вазирлиги, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари ягона тариф сеткасига мувофиқ бюджетдаги ташкилотларнинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларига риоя этилишини назорат қилсинлар.

12. Белгиланснки, ушбу қарор билан тасдиқланган ягона тариф сеткасига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартлари меҳнатга ҳақ тўлаш учун мавжуд бўлган маблағлар, шунингдек бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва хўжалик фаолиятини кенгайтириш тадбирларини ўтказишдан тушган қўшимча маблағлар ҳисобига ва шунинг доирасида жорий қилинади.

13. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда 20 кун муддат ичида ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан амалдаги меъёрий ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

14. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари зиммасига юклатилсин. Қарорнинг қандай бажарилаётгани 1993 йил февраль ойида кўриб чиқилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 26 декабрь.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1992 ЙИЛ 26 ДЕКАБРДАГИ ҚАРОРИГА ИЛОВА

МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ЯГОНА ТАРИФ СЕТКАСИ

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
0	1,00
1	1,11
2	1,23
3	1,37
4	1,52
5	1,69
6	1,88
7	2,09
8	2,32
9	2,54
10	2,78
11	3,04
12	3,33
13	3,65
14	4,00
15	4,38
16	4,80
17	5,26
18	5,76
19	6,31
20	6,91
21	7,57
22	8,29
23	9,08
24	9,94
25	10,88
26	11,91
27	13,04
28	14,28

ИЗОҲ. Ягона тариф сеткасининг разрядлараро ўтиш коэффициентлари:

1—8 разрядлар	коэффициент 1,11
9—28 разрядлар	—«— 1,095

ЯНГИ КУПОН ОЛДИНГИЗМИ?

26 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йилда истеъмол бозорини ҳимоя қилиш юзасидан қабул қилган қарорини амалга ошириш республика комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда 1992 йилги купон тизими мамлакат истеъмол бозорини ҳимоя қилишда анча самаралар бергани, бироқ унга ҳар доим ҳам риоя қилинавермагани оқибатида жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилгани; рўй-рост айтилди. Ўтаётган йил тажрибалари асосида янги купон тизими ишлаб чиқилди. Бу тизим кейгуси йили истеъмол бозорини барқарорлаштиришда катта аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Мажлисда, шунингдек, Янги йилгача республика аҳолисига 1993 йил купонларини етказиб бериш билан боғлиқ талай масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

ОЛДИНДА— КАТТА ИШЛАР

XXI чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг XII сессияси

Илгари хабар қилганимиздек, 25 декабрда XXI чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг XII сессияси бўлиб ўтди. Сессия муҳокамасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессияси якунлари ва вилоят ҳокимлигининг 1993 йил ва келажакдаги вазифалари ҳамда режалари тўғрисида»ги масала юзасидан Тошкент вилоят ҳокими С. Д. САЙДАЛИЕВ маъруза қилди.

— Яқиндагина ўз ишини тугаллаган Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси, — деди маърузачи, — Республикамиз мустақил давлат сифатида бир йил ичида тараққиётнинг янги, биринчи босқичидан муваффақиятли ўтганлигини таъкидлаш билан бирга ҳамма жабҳада эришилган амалий натижаларни сарҳисоб қилди, бундан кейин фаолиятимизнинг асосий ҳаракат дастурини белгилаб берди.

Мазкур анжуманни тарихий сессия деб ataш мумкин. Чунки Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигининг тугалланган даражасига етганлиги чуқур ифтихор билан тилга олинди. Истиқлол йўлидаги дастлабки босқичдан муваффақиятли ўтилганлиги айтилди. Энди Ўзбекистон Республикасининг мустақил мамлакат учун зарур бўлган — ўз байроғи, герби, асосий қонуни — Конституцияси ва ниҳоят мадҳияси мавжуддир.

Бугун биз Республика Президенти бошчилигидаги ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатни, белгиланган дастурларни ҳар томонлама пишиқ-пухта, маслаҳатлар, кенгашлар орқали аромига етказилаётганлиги учун халқимиз тўла қўллаб-қувватлаётганлигини рўй-рост айтишимиз керак.

Шундан сўнг маърузачи Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатига тўхталиб шундай деди:

— Шубҳасиз, мустақилликнинг бир йиллиги давомида вилоятимизда ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. Вилоят ҳокимлиги шаҳар ва район ҳокимларига таянган ҳолда иш олиб борди. Вилоят ҳокимлиги, шаҳар ва район ҳокимликларининг амалий фаолиятлари ва бошқариш услублари тобора такомиллашмоқда, бу соҳада янги-янги тажрибалар орттирилди, галдаги вазифалар ва режалар белгилаб олинди. Шаҳар ва район халқ нойиблари кенгашларида ҳокимлар ҳисобот бердилар. Энди вилоят миқёсида ана шундай ҳисобот бериш пайти келди. Бугунги йиғилишимизнинг бош мавзуи ҳам мана шу.

Шундан сўнг С. Д. Сайдалиев қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, хусусан пахтачилик билан боғлиқ бўлган масалаларга батафсил тўхталди.

— Республикада пахтачиликка эътибор яна кучайганлигини алоҳида изҳор этмоқчиман, — дейди маърузачи, — пахтакорларимизнинг фидокорона, сидқидилдан қилган ҳалол меҳнатлари зое кетмади. Ўзбекистон хирмонига 4 миллион 150 минг тоннадан ортиқ пахта тўкилди. Бунда Тошкент вилояти пахтакорлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар: вилоят 309 минг тоннага яқин пахта топширди. Бу йилги ўта мураккаб шароитда бундай кўрсаткичга эришилганлиги катта гап. Бугун биз ўз режаларини ортиғи билан уддалаган Бўка, Оққўрғон, Бекобод, Ўртачирчиқ районларининг пахтакорларига раҳмат айтмоқчимиз.

— Шу билан бирга, — деди С. Д. Сайдалиев сўзини давом эттириб, — биз пахта тайёрлаш режаси айрим район ва хўжаликларда нима сабабдан бажарилмаганлигини ҳам таҳлил этишимиз, фаолиятимизга холис танқидий кўз билан қарамоғимиз лозим.

Назаримда ҳамма нарсани об-ҳавога йўйсак нотўғри қилган бўламиз. Аксинча, пахтачиликда ўзимиз йўл қўйган хатоликлар ҳам бўлди: биринчидан, ёз ойларида парваришни яхши ташкил этолмадик. Бир қатор районларда ғўзаларни ўт бостириб юборилди. Бир қанча майдонларда ҳатто ягона қилинмаган экинларни кўрдик. Бу шундан далолат берадики, кузданги ҳосил учун ҳаракатни барвақтроқ, ўша кунгат экилган кунданоқ бошлашимиз зарур эди. Район ва хўжаликларнинг раҳбарлари ҳам буни ҳисобга олишлари керак. Биз 1993 йилда бу масалага алоҳида масъулият ва қатъият билан ёндошамиз. Чунки пахта — ҳозирги оғир иқтисодий шароитда бизнинг энг асосий бойлигимиз ва кафолатимиздир. Қишлоқ аҳли рўзғорининг бутлиги, турмушнинг тўкинчилиги пахта эканлигини унутмайлик. Пахтанг бўлса, унинг эвазига дон ҳам, гўшт ҳам, қанд-шакар ҳам олиш мумкин. Пахтанг бўлса, эртага пулинг ҳам бўлади. Хуллас, у бизнинг нақд бойлигимиз, иқтисодий тангликда бизга катта мадад. 1992 йил ҳосили йиғим-теримч олдидан пахта харид нархининг бир ярим баравар оширилганлиги, режадаги ҳосилнинг 15 фоизи ва режадан ортиқча терилган пахтанинг ҳаммаси ўз ихтиёримизда қолганлигидан келадиган даромадни ҳисоблаб кўрсак бу ҳомашёнинг қадрига янада кўпроқ етамиз. Вилоятда ана шу катта имкониятдан фойдаланган хўжаликлар талайгина бўлди.

Бунинг устига хўжаликларнинг қўшимча қиймат солиғидан озод қилинганликлари жуда катта мадад бўлди. Бундан вилоятимиз деҳқонлари салкам 200 миллион сўм ютдилар. Ўтган йилнимизда жамоа ва давлат хўжаликларига, фермерларга ва шахсий томорқа хўжаликларига 225,4 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ресурслари ажратилди. Мана шуларнинг ўзиёқ республикамизда қишлоқ хўжалигига қанчалик катта аҳамият берилаётганлигини кўрсатиб турибди.

Шундан сўнг маърузачи вилоятда сабзавот етиштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни чуқур таҳлил этиб берди. Сабзавот режаси бажарилганлиги, эришилган меҳнат муваффақиятлари ҳақида гапирди, сабзавоткорларга миннатдорчилик билдирди. Зангиота, Тошкент, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Қибрай районларининг сабзавоткорларининг меҳнатларига юксак баҳо берди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Бозор муносабатларини шакллантириш ва эркин нархларнинг жорий этилиши шароитларида республика ҳукумати томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга доир, шу жумладан иш ҳақи, пенсиялар ва нафақаларни босқичма-босқич ошириш асосида аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фақат 1992 йилда республикамизда энг кам иш ҳақи миқдори 5 маротаба кўриб чиқилди ва узлуксиз ошириб борилди. Ҳозирги вақтда унинг миқдори МДҲ мамлакатларидагига нисбатан энг юқори ҳисобланади. Шу билан бирга Ўзбекистонда истеъмол товарлари нархлари нисбатан пастдир.

Бироқ шундай ҳоллар мавжудки, иқтисодиётнинг турли соҳаларида бир хил малакадаги тенг меҳнатга турлича миқдорда иш ҳақи тўланмоқда ва иш ҳақи миқдорлари бўйича анчагина тафовутга йўл қўйилмоқда. Бунинг натижасида меҳнат унумдорлигини ва малакани оширишга хизмат қилувчи рағбатлар ўртасидаги, иш ҳақи билан бажариладиган ишлар мураккаблиги ўртасидаги боғлиқлик сусайиб кетди. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари мутахассислари меҳнатига ҳақ тўлаш даражасида жиддий тафовутлар мавжуд. Ушбу номутаносибликнинг кучайишини бартараф этиш ва ходимларнинг турли тоифалари иш ҳақида, улар меҳнатининг мураккаблигига ва малакасига боғлиқ ҳолда, асосланган нисбатларни қарор топтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси «1993 йил 1 январдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ягона тариф сеткаси негизига энг кам иш ҳақи миқдори ҳамда меҳнатнинг мураккаблиги ва ишларнинг малакасини ҳисобга олувчи табақалаштирилган коэффициентлар асос қилиб олинди. Унинг ҳам халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш ва ҳам ноишлаб чиқариш тармоқлари ходимлари учун қўлланиш соҳасидан қатъи назар, бу коэффициентлар меҳнатга ҳақ тўлашга объектив ёндашишни таъминлайди.

Ягона тариф сеткасини жорий этиш энг аввало иш ҳақининг рағбатлантирувчи роли принципларини тиклашни назарда тутади. Ҳукумат томонидан қабул қилинган қарор билан республикада меҳнатга ҳақ тўлашнинг 28 разряди жорий этилади. Мазкур разрядлар тариф ставкаларининг энг паст разряддан энг юқори разрядга томон мўътадил ошиб боришини таъминлайдики, бу қарорнинг иловасида кўрсатилган.

Ягона тариф сеткаси ҳар бир ходимга ўзи бажараётган ишнинг мураккаблигига ва ўзининг малакасига боғлиқ ҳолда ўз меҳнати учун оладиган иш ҳақини аниқ белгилаб олиш имконини беради.

Масалан, машинасозлик корхонасининг 6-разрядли ишчиси учун иловага мувофиқ тариф коэффициенти 1,88 қилиб белгиланади. 2000 сўм миқдоридаги энг кам иш ҳақи бўйича тариф ставкаси 3760 сўм қилиб белгиланади (2000×1,88). Олинган тариф ставкасининг миқдори учун 1,10 га тенг бўлган тармоқ коэффициенти қўлланилади. Натижада мазкур ишчининг тариф ставкаси миқдори 4136 сўмни ташкил қилади (3760×1,10).

Яна бир мисол. 4-разрядли ғишт терувчи учун 1,52 тариф коэффициенти белгиланади, тармоқ коэффициенти эса 1,28 ни ташкил этади. 2000 сўм миқдоридаги энг кам иш ҳақи бўйича ғишт терувчининг тариф ставкаси 3890 сўмни ташкил этади (2000×1,52×1,28).

Биринчи тоифадаги малакали ўқитувчи 8-разрядга мансуб бўлади, тариф коэффициенти — 2,32. 2000 сўм миқдоридаги энг кам иш ҳақи бўйича тариф ставкаси 4840 сўмни ташкил этади (2000×2,32).

Биринчи тоифадаги малакали врач 8-разрядга мансуб бўлади, унинг учун тариф коэффициенти 2,54 қилиб белгиланади. 2000 сўм миқдоридаги энг кам иш ҳақи бўйича унинг тариф ставкаси 5080 сўмни ташкил этади (2000×2,54).

Ягона тариф сеткаси, бажариладиган ишларнинг ҳажми ва мураккаблигига қараб, ҳар бир лавозим бўйича аниқ окладлар белгилашга имкон берувчи 5 разрядли диапазонни назарда тутади. Масалан, 1—5-диапазонларга мансуб бўлган бошқа ихтисосликлардаги врачлар билан солиштирганда мураккаброқ ҳисобланадиган жарроҳнинг меҳнати 5-диапазонга мансуб бўлади..

Бир хил малакадаги, лекин ишлар ҳажми ҳар хил бўлган қурилиш ташкилотларида ишловчи ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича турли гуруҳларга мансуб бўлган қурувчи мутахассислар тегишли разряднинг биринчи ва бешинчи диапазони оралиғида бўладилар.

Шуни таъкидлаш керакки, янгидан белгиланган ставкалар ва окладлар асосида тариф сеткасини жорий этишда илгари амалда бўлган барча қўшимча ҳақлар, устамалар, шу жумладан, район коэффициентлари бўйича тўловлар ҳам сақланиб қолади. Бошқача айтганда, ҳар бир ходим эгаллаган лавозими ва малакасига қараб меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўсишида ўз келажагини аниқ кўради.

Ягона тариф сеткасини жорий этишда ходимнинг бугунги кунда оладиган иш ҳақи янги тариф сеткаси жорий этилиши натижасида ҳисобланадиган иш ҳақидан кам бўлган ҳолларда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ўзгаришсиз қолади.

Ягона тариф сеткасининг жорий этилиши иш ҳақи энг аввало корхона фаолиятининг пировард натижаларига боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш соҳаси ходимлари манфаатларига мутлақо зиён етказмайди.

Ягона тариф сеткаси асосида меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш иш ҳақининг асосий-тариф қисмини шакллантиришда умумийликни яратиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг бошқа элементларини (устама, мукофотлар ва бошқаларни) ривожлантириш билан биргаликда эса иш ҳақи миқдорларини лавозим, малака ва одамларнинг ўз меҳнати пировард натижаларига муносабатига кўра бошқариб боришни таъминлаш имконини беради.

ОЛДИНДА — КАТТА ИШЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Шу билан бирга, — деди маърузачи, — шуни афсус билан айтиш керакки, вилоятимизда картошка ва узум тайёрлаш режалари бажарилмади. Шунингдек, жамоат секторидаги чорвачилик ҳам сезиларли оқсамоқда. 1991 йилга нисбатан чорва туёғи камайиб кетди. Бугунги кунда жамоа ва давлат хўжаликларида сигирлар бош сони режага нисбатан анча камдир. Сигирларнинг маҳсулдорлиги ҳам бизни мутлақо қониқтирмайди.

Йилни сарҳисоб қилар эканмиз, бу камчиликларни бартараф этиш ва келгусида қишлоқ хўжалиги тармоқларида ишни тубдан ўзгартириш учун пухта дастурлар ишлаб чиқишимиз керак. Биз ҳар бир район ва хўжалик раҳбаридан қишлоқ хўжалигида, жумладан чорвачиликда шахсий жавобгарликни қатъий талаб қиламиз.

Президентимиз томонидан қабул қилинган дастлабки фермонларнинг бири қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашга қаратилган эди. Иқтисодиётимиздаги мураккаб инқирозли ҳолатга қарамай қўйилган бу вазифани бажардик. 26,5 мингга яқин қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди. 14,5 минг хонадон газлаштирилди.

Бозор иқтисодиётининг ўз қонуниятлари мавжуд. Ана шу қонуниятлар асосида ҳаракат қилинмас экан, истиқболга чиқиш мураккаблашиб бораверади.

Масаланинг муҳимлиги шундаки, хусусийлаштириш фақат бозор иқтисодиётига киришнинг зарур шартигина бўлиб қолмай, айни вақтда бевосита бозорнинг негизи, моҳияти ҳамдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, давлат савдоси ва умумий овқатланиш корхоналари, ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ташкил этиш бўйича чоралар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ вилоятда халқ хўжалигининг бу тармоқлари бўйича давлат мулкининг шаклини ўзгартириш юзасидан биринчи навбатда амалга ошириладиган дастур ишлаб чиқилди. Ана шу дастурга мувофиқ 1300 га яқин давлат корхоналари ва ташкилотларини мулкнинг бошқа шаклларига ўтказиш назарда тутилган.

Бироқ шуни рўй-рост айтиш керакки, ушбу дастурни амалга ошириш кечикмоқда. Мен бугун бу борадаги рақамларни санаб ўтирмоқчи эмасман. Хулоса шуки, вилоятда хусусийлаштириш жараёнини тезлаштиришда янги ташкил этилган давлат мулк қўмитасининг ҳудудий бошқармаси, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари ва ҳар бир район ҳокимлари бу масала билан жиддий шуғулланишлари керак.

1993 йилда энг аввало енгил саноатда, савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида хусусийлаштиришни амалга ошириш кўзда тутилган. Айни пайтда уни саноатнинг бошқа тармоқларида, қурилиш комплексида, акционерлик асосида, шунингдек чет эл инвесторлари ўртасида акциянинг бир қисмини жойлаштиришни ҳам ҳисобга олган ҳолда амалга оширишни бошлаш керак. Тошкент шаҳрида тажриба тариқасида уй-жойларни хусусийлаштириш бўйича ишлар қизғин боряпти. Бу тажрибани пойтахт вилоятида ҳам қўллаш керак.

Биз ҳаммамиз мавжуд қийинчиликларни ва ҳал этилмаган муаммоларни чуқур, аниқ англаб олишимиз зарур. Уларнинг туб сабабларини ўрганиб шу асосда навбатдаги йил учун эса ҳамма имкониятлар бор. Ҳозир ер ресурсларидан фойдаланишнинг аҳволини чуқур ўрганиб, уларни инвентаризациядан ўтказиш керак. Бу аҳоли жон бошига ҳисобланганда суғориладиган ер майдонлари қисқариб бораётган ҳозирги шароитда, айниқса муҳимдир. Сир эмас, текширишлар бир қатор район ва хўжаликларда берилган томорқалардан, ер участкаларидан ва бошқа майдонлардан ниҳоятда самарасиз фойдаланилаётганлигини кўрсатмоқда. Ернинг умри беҳуда ўтмоқда. Уни исроф қилиш, хор қилишга йўл қўйилмоқда. Ваҳоланки, ерни ким хор қилса, албатта, ўзи унинг уволига қолади. Ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланишга эришайлик. Ерни беҳудага бериб юборишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ!

Агросаноат мажмуида қайта ишлаш ва инфраструктура тармоқлари имкониятларининг кучайтирилиши вилоят иқтисодий потенциалини шакллантиришда қишлоқ хўжалигининг ролини кескин ошириш имконини беради. Ана шулардан келиб чиқиб 1993 йилда 99 минг тонна пахта толаси, 187 минг тонна ғалла, 98,6 минг тонна картошка, 55 минг тонна мева, 88,5 минг тонна узум етиштириш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сессиясида Республика Президенти Ислом Каримов ҳамма соҳада экспорт қилиш имкониятларимизни кенгайтиришимиз тўғрисида алоҳида тўхталди. Бу бежиз эмас. Республика саноатининг 17 фоизи миқдорида маҳсулот бераётган Тошкент вилоятининг бу борадаги имкониятлари жуда катта. Шундай экан, бу масала ҳар биримизнинг диққат марказимизда бўлиши керак. Эндиликда эски, дунё бозорида рақобатлаша олмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни давом эттираётган корхоналар давлат кўмагига кўз тикмасликлари керак.

1993 йилда вилоятимиздан экспорт қилинадиган маҳсулотлар ҳажмини 1992 йилга нисбатан икки баравар ошириш кўзда тутилмоқда. Уларнинг ичида кимё саноати маҳсулотлари, жумладан капролактам, аммофос, пахта толаси, сабзавот ва мева билан бирга узумдан тайёрланган вино, қуруқ мева, мева-сабзавот консервалари алоҳида. ўрин тутади. Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтишим керак. Биз иложи борича хом ашёни тайёр ҳолга, яъни пировард натижага — кийимкечак ва истеъмол молига айлантириб сотишга ҳаракат қилишимиз керак. Бу борада ташкил этилаётган кичик ва қўшма корхоналар катта самара келтириши мумкин. Ҳозирнинг ўзидаёқ вилоятда 65 та қўшма корхона, шулардан 12 таси тўлиқ фаолият кўрсатмоқда. 1523 та кичик корхона, шулардан 943 таси маҳсулот бермоқда. Келгусида бу ишларни ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларида кичик-кичик цехларни, корхоналарни кенгайтириш, якка тартибда меҳнат қилиш сингари қадимдан халқимизда анъана бўлиб келган иш усулларини кенгайтиришимиз лозим.

Олдимизда қиш турибди. Ундан аҳолини соғ-саломат олиб чиқиш, таъминотда узилиш бўлишига йўл қўймаслик энг муҳим вазифадир. Тошкент вилоятида бу борада етарли тажриба тўпланган. Мана, уч йилдирки, ҳар бир район, шаҳар, корхона, ташкилот, хўжалик ва қишлоқ шўролари ўз ҳудудларидаги аҳолини қиш даврида етарли миқдорда дон-дун ва озиқ-овқат маҳсулотлари, мева, сабзавот билан таъминлаш чораларини кўрмоқдалар. Бу ишни давом эттириш керак. Бизнинг талабимиз ўзгаргани йўқ. Ҳар бир раҳбарнинг ишига ана шунга қараб баҳо берамиз.

Халқ хўжалиги йилига якун ясар эканмиз, яна бир масала устида тўхталмасак бўлмас. Гап янги иқтисодий шароитда корхона, хўжаликни тезроқ оёққа турғазиш устида бормоқда. Бунинг учун бизга малакали кадрлар керак. Афсуски, бу йилги натижалар бир қатор хўжаликларда нўноқ, тадбиркор бўлмаган кишилар раҳбарлик курсисини эгаллаб турганликларини кўрсатди. Уларнинг ношудликлари туфайли иқтисодий бақувват бўлган жамоа ва давлат хўжаликлари ночор аҳволга тушиб қолмоқда. Қарабсизки, пировардида бундан халқ азият чекмоқда. Унинг иқтисодий аҳволи ночорлашиб бормоқда.

Бугун қатъий келишиб олишимиз ва ҳал қилишимиз керак. Хўжалик раҳбарлигига ҳар томонлама ташаббускор, ишбилармон, тадбиркор, бозор иқтисодиёти шароитида ҳам ишни юргизиб кета оладиган кишиларни қўйишимиз керак.

Сиз билан бизга ишонч билдириб, халқ бизга таянар экан, бизлар ҳар қандай шароитда ҳам ана шу ишончни оқлашимиз, халқимиз билан ҳамнафас бўлишимиз, вазифамизни ҳалоллик билан бажариб, бурчимизга содиқ бўлмоғимиз ҳам фарз, ҳам қарздир! Мен ўзимдан ҳам, барча ҳокимлардан ҳам шуни талаб қиламан.

Ислом Абдуғаниевич Каримов вилоят, шаҳар ва район ҳокимлари билан бўлган учрашувда «Ҳокимлик — халқ ҳокимиятининг тимсолидир. Халқ сиз ва бизга умид кўзи билан боқиб турибди. Эл-юртнинг ишончини оқлаш учун тер тўкиб меҳнат қилайлик, қўлни-қўлга бериб ишлайлик! Аҳиллик, иноқлик ва ўзаро ҳурмат бор жойда файз бор, барака бор!», деган эди. Бу нақадар оқил гап. Ҳар биримиз ўз олдимизда турган ана шу бурч ва масъулиятни унутмаслигимиз керак.

Музокарада иштирок этган Бекобод шаҳар ҳокими Э. РЎЗИЕВ, Ўртачирчиқ районидаги «Равотак» жамоа хўжалиги раиси М. УБАЙДУЛЛАЕВ, Бекобод районидаги «Далварзин» давлат хўжалигининг директори М. СУЛТОНҚУЛОВ, Қуйичирчиқ район ҳокими Р. КАРИМОВ, Ангрен шаҳар педагогика институти ректори Н. ИБРОҲИМОВ ва Оҳангарон цемент заводи бош муҳандиси ўринбосари Ю. ГОМОНОВлар ўз сўзларида маърузада кўтарилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Ўзбекистон Олий Кенгаши XI сессиясининг якунлари ва республика Президенти И. А. Каримов нутқи, сессияда кўтарилган масалалар ҳамда унинг якунлари вилоятда катта қизиқиш билан ўрганилаётганлигини, 1993 йил учун вазифа ва режалар аниқ белгилаб олинаётганлигини таъкидладилар, ечимини кутаётган қатор муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган масалалар хусусида ўз таклифларини ўртага ташладилар.

Сессия қатнашчилари Ўзбекистон Олий Кенгаши XI сессияси якунларини, республика Президенти ва ҳукумати томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни қизғин қўллаб-қувватладилар, вилоят олдида турган барча вазифаларни бажаришга сафарбар эканликларини изҳор этдилар.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. М. МУТАЛОВ нутқ сўзлади.

ЯНГИ ЙИЛГА ЯХШИ КАЙФИЯТ БИЛАН

Тошкент авиасозлари Янги йилни яхши кайфият билан кутиб олмоқдалар. Чунки бирлашма касаба уюшмаси комитети жамоанинг кўплаб ижтимоий муаммоларини ҳал этиш тўғрисида жон куйдирмоқда. 1 январгача 58 хонадон яшайдиган уйни фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда. «Антей» фирма дўконининг иккинчи навбати ишга тушади. Бирлашма ишлаб чиқараётган халқ истеъмол моллари шу дўконда авиасозларга имтиёзли нархлар билан сотилади.

Болалар Янги йил байрамини ҳар галгидек сабрсизлик билан кутишмоқда. Таътил кунларида уч юздан ортиқ бола бирлашманинг Чимёндаги «Кристалл» пансионати негизида ташкил этилган соғломлаштириш масканида дам олади. Авиасозлар шаҳарчасида қурилган «Олимпия» болалар спорт мажмуи ишга тушади. Бу ерда мини футбол ўйини, гимнастика, аэробика машқлари учун хоналар бор.

Бирлашманинг маданият саройида ўрнатилган арча болаларга катта қувонч бағишлайди. Бу ерда кўрсатиладиган «Буратининнинг саргузаштлари» томошасини 10 мингдан ортиқ бола кўради. Уларнинг ҳар бирига байрам совғаси топширилади. Касаба уюшмаси комитети умумшаҳар арча байрамига бориш учун беш мингта билет харид қилди.

— Қишки таътил кунларида болаларни хурсанд қилиш учун ҳамма чораларни кўряпмиз, — деди бирлашма касаба уюшмаси комитетининг раиси Р. И. Абдуразақов. — Янги йилга мўлжалланган режаларимиз эса жамоанинг ижтимоий масалаларини ҳал қилиш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга қаратилган.

(ЎзА мухбири).

БУЮРТМАЧИЛАР МАМНУН

ЧИНОЗ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА КОНСТРУКЦИЯЛАРИ КОМБИНАТИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «САНОАТ» КИЧИК КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ КЎПЧИЛИКНИНГ ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛМОҚДА

— МИНГ марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деганлар. Ўзларинг айланиб кўринглар, кейин ишимизга баҳо беринглар, — шундай дедию кичик корхона раҳбари Юсуфжон Аҳмедов бизни ўнг томондаги бинога бошлади.

Цехда меҳнат суроғи авжида. Кимдир цемент келтиряпти, кимдир қориш дастгоҳини бошқаряпти, яна кимдир бошқа иш билан банд.

— Кичик корхонамиз асосан шлак ғишт тайёрлайди, — деди Ю. Аҳмедов. — Ишни икки сменада ташкил этганмиз. Ишчиларимиз вақтдан унумли фойдаланиш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун курашмоқда. Ана шундай иш тутиш туфайли 9 ойлик режани 140 фоиз қилиб бажардик. Кейинги ойлардаги кўрсаткичлар ҳам ёмон бўлмади.

Биз, дея сўзини давом эттирди Юсуфжон, бир сменада 2000 дан ошириб ғишт қуймоқдамиз. Маҳсулотларимизни Сирдарё, Гулистон шаҳарларидан, ҳатто Қозоғистон республикасидан келиб олиб кетишмоқда. Лекин мижозларимизнинг кўпчилигини туманимиздагилар ташкил қилади.

Дарҳақиқат «Саноат» кичик корхонасининг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, унинг доврўғи қўшни район ва вилоятга ҳам ёйилди. Дастлаб кўпгина юмушлар қўл кучи билан бажарилган бўлса, бугунги кунда улар механизациялаштирилди. Шлакларни ҳам механизм ёрдамида вагонлардан тушириш, қориш, сув ва цементларни меъёрида қўшиш ишлари йўлга қўйилди.

Кичик корхона ишчилари буюртма берганингиздан кейин саноқли кунлар ичида сизга кераклича бўлган ғиштингизни тайёрлаб беришади. Икки цехда ишлаётган кишилар шу соҳада узоқ йиллардан бери ишлаб келган тажрибали ишчилардир. Ҳаммалари қўшимча ишларни ҳам бемалол бажаришади.

Ишчиларнинг ўз касбларига меҳри ортиб бораётгани, халқимизни қурилиш материали билан кўпроқ таъминлашга бел боғлаганликлари, шунингдек янгиликка интилаётганликлари ўз самарасини кўрсатяпти. Ҳозир жамоа ишчилари уйнинг пойдеворини қўйиш ва деворини кўтариб бериш сингари ишларни ҳам бажаряпти.

Кичик корхоналар — давр талаби

Шу куни мижозларнинг бир нечтаси билан ҳам суҳбатлашдик.

Озод МАҲАМАДОВ, ногирон: — «Саноат» кичик корхонаси шу қисқа вақт ичида анча ўзини ўнглаб олибди. Цехлар механизациялаштирилибди. Шунинг учун бўлса керак, буюртмачилар ўз буюртмаларини вақтида олишяпти. Менга 1000 дона ғишт керак эди. Жамоа ногиронлигимни ҳисобга олиб, ғиштни уйимга ўзлари элтиб беришди. Бунинг учун уларга фақат раҳмат дейман.

Мижозлардан яна бири чинозлик **Ҳайрулла РАСУЛОВ** шундай деди: — Ўзингизга маълум, ҳозир қурилиш материалларини топиш жуда қийинлашиб қолди. Ёз бўйи цемент қидириб овораю сарсон бўлдим. Дардимни кимга айтишни билмай қолдим. Ўн кун бурун «Саноат» кичик корхонаси буюртма қабул қилади, деб эшитиб қолдим. Ўша куниёқ бу ерга етиб келдим. Уйнинг пойдеворини қўйиб беришни илтимос қилдим. Куни кеча участкамнинг пойдеворини кўнгилдагидек қилиб қўйиб беришди. Уларга ўз миннатдорчилигимни билдиргани келдим.

Ҳақиқатан ҳам кичик корхона жамоасининг ишидан кўпчилик миннатдор. Шунинг учун ҳам улар амалга ошираётган ишларга, тайёрлашаётган ғиштга мижозлар талаби ортиб боряпти.

Жамоа аъзолари аҳил, турли миллат вакилларидир. Аҳиллик, ҳамжиҳатлик бор жойда ютуқ ва барака бўлади. Шу боис кунлик режа 150 фоиздан уддаланмоқда. Фарид Ҳожибоев, Суннат Очилов, Ирисали Умаров, Содиқ Норматов, Фурқат Ибрагимов, Адҳам Турсунбоев, Шокир Бегматов, Ахрол Исматуллаев ва бошқалар ишни тез ва сифатли бажаришлари билан бошқаларга ибрат бўлишмоқда.

— Ишчиларимизнинг ҳар бири ойига ўрта ҳисобда 6—7 минг сўмдан маош олмоқда, — деди кичик корхона директори Юсуфжон Аҳмедов. — Корхона аъзоларининг ҳаммаси қурувчилик касбига доир барча ихтисосларни мукаммал эгаллаган. Бу фаолиятимиз кўламларини янада кенгайтириш имконини бермоқда. Шунинг учун уйларнинг пойдеворидан тортиб, томини ёпиб беришгача бўлган ишларни амалга оширишни мўлжаллаб турибмиз. Ҳадемай, хом ғишт тайёрлаш цехини ишга туширамиз. Айни пайтда ана шу янги цехни очиш ташвиши билан юрибмиз. Қисқаси, корхонамиз катта истиқболга эга.

Т. ЭРХЎЖАЕВ.

МУЗЕЙГА СОВҒА

Ўзбекистон осори — атиқалар ва заргарлик санъати музейи коллекциясини ўтган асрларда чеварлар қўлда тиккан чиройли сўзана, аёлларнинг ноёб безаклари, байрам тантаналарида ишлатиладиган идишлар тўлдирди. Тошкент божхонаси юз хилдан ортиқ қадимий буюмларни музейга совға қилди. Экспертларнинг фикрича уларнинг умумий қиймати ўтган йилги нархларда 240 минг сўмдан ошади. Янги экспонатларни музей доимий кўргазмасига қўйиш режалаштирилди.

Бу ноёб коллекция божхона ходимлари ҳорижга кетаётган фуқаролардан мусодара қилган буюмлардан ташкил топган. Бу ерда мамлакатдан ташқарига олиб кетиш таъқиқланган буюмлар мусодара қилинниб, уларнинг кўп қисми воситачи дўконлар орқали сотилади. Тушган пул ҳам чакана эмас. Бу пул давлат бюджетига ўтади. Ўтган йили Ўзбекистон божхоналар тизими давлатга 365 миллион сўмга яқин пул топширди, шу йилнинг ўтган олти ойи ичида ҳам шунча пул тушди. Сўнгги вақтда республика халқининг мулки ҳисобланган санъат асарларини ғайриқонуний йўл билан Ўзбекистондан олиб кетишга уриниш ҳоллари кўпайди. Тошкент божхонаси мусодара этилган бойликларни катта музейларга беғараз ҳадя этмоқда.

ЎЗА мухбири.

• Шу сонга хабар

Янги Ангрен ГРЭСида ёнғин

27 декабрь куни соат 10 дан 08 дақиқа ўтганда Янги Ангрен иссиқлик электр станциясида ёнғин чиқди. Таъминловчи насос гидромуфтаси носозлиги сабабли мой отилиб чиқди. Ёнғин бир зумда биринчи ва иккинчи энергоблоклар шифтига ўтди. Ёнғин оқибатида турбина бўлинмаларининг томи вайрон бўлди. Станция ходимлари агрегатни шошилинч равишда тўхтатиб қўйишди.

Қўрилган чоралар туфайли ёнғинни жиловлашга муваффақ бўлинди. Шу боис тўртинчи, бешинчи ва олтинчи энергоблоклар бир меъёрда ишлаб турибди.

Станцияда ёнғин оқибатларини тугатиш учун оператив штаб тузилди, давлат комиссияси ишламоқда. Комиссиянинг дастлабки хулосасига кўра, ускуналарнинг носозлиги ёнғин чиқишига сабаб бўлган, бунда станция ходимларининг айби йўқ. Умумий қуввати 900 минг киловаттли учта блокни тезлик билан ишга тушириш учун энергия иншоотларини тиклаш ва созлашда катта тажрибага эга бўлган қурилиш ва монтаж бригадалари бу ерга шошилинч тарзда жўнатилмоқда.

Ўзбекистон Миллий ахборот маҳкамасининг мухбирига республика энергетика ва электрлаштириш вазирлигидан хабар қилишларича, Янги Ангрен ГРЭСида содир бўлган ёнғин истеъмолчиларга энергия берилишига жиддий таъсир қилмайди.

Давлат комиссиясининг узил-кесил хулосалари январь ойининг бошларида маълум бўлади.

ТАШАББУСНИНГ ТУҒИЛИШИ

Яқинда пойтахтимизнинг Миробод тумани ҳокимлигида маҳалла фаоллари, мактаб раҳбарлари, диний идоралар ва хотин-қизлар кенгаши вакилларининг умумий йиғилиши бўлиб, бир қатор муҳим масалалар кўрилди. Унда мактабларда ёшлар таълим-тарбияси, ўқиш савияси, атамашуносларнинг иш фаолияти, ногирон, қариялларга кўрсатилаётган ёрдамлар тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритилди.

Йиғилишда тумандаги 27 та маҳалла фаоллари Қизил Яримой жамиятига бир кунлик иш ҳақларини ўтказишга аҳд қилдилар. Бу маблағлар касалхоналарда беморларга тиббий хизмат кўрсатиш ва ётиб қолган бемор, ногиронлар ҳолидан хабар олиб туришни яхшилашга ёрдам беришга ишонч билдирдилар.

Шунингдек, 70 мингдан зиёд аҳолига эга бўлган туманда ҳамма шарт-шароитларга эга замонавий усулдаги миллий чойхоналар қуриш фикри илгари сурилди. Маҳалла идоралари, турли маросимлар ўтказиш учун жой, маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини бағрига оладиган бу чойхоналар Фарғона йўли, Мунис кўчалари, Қўйлиқ, Билимдон даҳаларида бунёд этиши мақсадга мувофиқ деб топилди. Бу ерлар келгусида аҳолининг энг севимли дам олиш масканларига айланиб қолса ажаб эмас.

И. РУСТАМОВ.

• ҚУТЛОВ

„ДЎСТЛАРИМ АРИМАС, КЎНГЛИМ ҚАРИМАС“

УЗОҚ умр довонларини ишонлаш ҳар бир инсон ҳаётида бир удумга айланган. Эллик деймиз, олтмиш, етмиш, саксон ва ҳоказо... Шундай кезларда одам боласи борки, бекхтиёр орқага — босиб ўтилган йўллар сарҳадларига бир назар ташлаб қўяди. Ана шундай оний дақиқаларда юрак бир ризолик билан ҳапқириб қўйса, вужуд қониқиш ила мамнунона ҳузурланса, не ажаб?! Бундай илоҳий роҳатга ҳамма ҳам муяссар бўлавермайди.

Жумҳуриятимизда исми-шарифи ғоят таниш кишилар кўплаб топилади. Ғайни ака Нажимов ҳам ана шундай муҳтарам одамлардан бири десак хато бўлмайди. Зотан, унинг номи жамоат арбоблари, олимлар, маданият ходимлари, санъат мухлислари, меҳнат фахрийлари орасида анчагина маълум ва машҳур. Энг муҳими, у ўзининг қамтарлиги, ҳоксорлиги, одамохунлиги, ширинсуханлиги, шогирдларга фидойилиги билан кўпчиликнинг эътиборига тушган отахонларимиз сирасига киради. У киши билан суҳбатимиз ўзгача бир тарзда бошланди.

— Ғайни Нажимович, Сиз шу кунларда ўзингизнинг мавлуд кунингизни нишонлаяпсиз. Сиз ишлаётган илм даргоҳи — Тошкент Давлат дорилфунуни қошидаги инсонитар фанлар жамоий—гуманитар малакасини ошириш институти, Ўзбекистон фалсафа жамияти, жамоатчилик, маҳалла-кўй, қоласверса, таниш-билишлар орасида тўйингизга аталган учрашувлар, муло йиғинлар, қотлар бўлиб ўтяпти. Биз ҳам ўша ерларда айтилган самимий гапларга қўшилиб, «Тошкент ҳақиқати» тахририяти, кўп сонли мухлисларимиз номидан тавалларидан туф топган кунингизнинг 70 йиллиги ва илмий-педагогик ҳамда ижтимоий фаолиятингизнинг 50 йиллиги билан астойдил муборак этамиз. Сиз фан номзодисиз, доцентсиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимисиз, жамоат арбоби, қатор-қатор орден—медаллар, фахрий ёрлиқлар соҳибисиз. Марказқўмда бўлим мудири, вазир, ректор бўлгансиз...

— Узр, шу ерда тўхтанг... Мен мақтов гапларни ёмон кўраман. «Жиним» ёқтирмайди. Кўзма-кўз мақтаётган одамнинг сўзларини эшитсам, «совуғим ошиб» кетади. Турли юксак лавозимларда шунча йил ишлаб, мен баайни мана шу нарсага ва газета-журналларда суратимнинг босилишига қарши бўлиб келганман. Катта даргоҳларда хизматдалигимда ҳам бирон марта расмимни бердирмаганман. У пайтларни ўзингиз биласиз, матбуот саҳифаларида чиқишга, ўзинўзи кўз-кўз қилишга ўч шахслар анча-мунча эди.

— Тўғри айтасиз. Сиз қийин ва мураккаб йилларда ишладингиз. Ўша даврхусусида бир-икки оғиз гапириб берсангиз?

— Биз ишлаган сўнгги йигирма йилни, одатда, «турғунлик даври» деб аташади. Буни бизнинг жумҳуриятимизга татбиқ этганда бу иборага мен ич-ичимдан қўшилгим келмайди. Чунки, ҳаёт бор ерда ўзгариш бор, ўсиш, тараққиёт бор. Республикамиз ривожланиши, унинг иқтисоди ва маданияти ҳақида гап борганда, ўша йилларда катта ўзгаришлар бўлганлигининг ҳаммамиз гувоҳимиз. Янги пахта майдонларини ўзлаштириш, янги шаҳарлар, янги сув омборлари, каналлар қурилди, меҳнат унумдорлиги ошди. Маданият бобида эса унинг моддий-техника асослари мустаҳкамланди. Ҳар бир вилоятда янги театр бинолари қад кўтарди. Янги-янги маданият ўчоқлари барпо этилди. Жумҳуриятимиз обрўси жаҳон миқёсида ошди.

Турғунлик бошқа жойларда бўлса бўлгандир, лекин, уни кўр-кўрона бизнинг жумҳуриятимизга татбиқ этиб бўлмайди...

— Кейинги йилларда етишиб чиққан мутахассислар, ходимлар, арбоблар ҳақида нималар дея оласиз?

— Ростини айтганда, жуда кўп яхши кадрлар етишиб чиқди. Улар эл-юрт, халқ манфаати йўлида астойдил, тинимсиз меҳнат қилишди. Аммо сўнгги йилларда Ғ.Ғлан ва Ивановларнинг, ўзимиздан чиққан катта раҳбарларнинг бебурдликлари туфайли ажойиб халқ фарзандлари бадном қилинди, жумҳуриятимиз обрў-эътиборига путур етди, унинг нуфузи заҳа бўлди. Бундай хатти-ҳаракат чуқур ўйланган бўлиб, «қизил империя» марказидан миллатимизни, республикамизни ерга уришни мақсад қилиб қўйган эди. Бу баайни қатағонликнинг худди ўзгинаси эди.

Лекин, мен бу фикрга шуни қўшмоқчиманки, бизнинг адолат, ҳақиқат, тўғрилик, покдомонлик, ҳаттоки, одамлар, раҳбарлар тўғрисидаги нуқтаи назаримиз анчагина саёз экан. Кўп жиҳатдан ишончларимиз рўё бўлиб чиқди. Бундай хулосалар ҳозирги ва бизлан кейинги авлодлар фаолияти учун катта дарс бўлмоғи керак, деб ўйлайман.

— Сўнгги йиллардаги ўзгаришлар ҳақидаги фикрларингиз?

—Жумҳуриятимизнинг мустақилликка эришиши буюк тарихий воқеа бўлди. Буни халқимиз асрлар давомида кутган эди. Президентимиз И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида мустақиллигимиз олдида турган амалий ва назарий муаммоларни чуқур ёритиб берди. Мазкур вазифаларни тўлиқ амалга ошира олсак, истиқболимиз сўзсиз ёрқин бўлади. Албатта, халқ ўзининг моддий ҳаётининг тезроқ яхшиланишини орзу қилади. Нарвоннинг тепасига бирдан чиқиб бўлмайди. Бу оддий ҳақиқат. Бозор иқтисодиёти, янгича муносабатлар ва бошқа кейинги маҳалда таомилга кирган иборалар ҳақида тўхталиб ўтирмайман. Маъмур ва фаровон ҳаётни яратиш ҳаммамизга, ҳар биримизга боғлиқдир.

— Сиз катта лавозимлар да ишладингиз. Шунга қарамай кўпгина китоблар, рисолалар, илмий-оммавий мақолалар ёзишга ва чоп этишга улгурдингиз. Яқинда докторлик диссертациясини ҳимоя қилишга ҳозирлик кўряпсиз. Буларга вақтни қаердан топгансиз, ижтимоий фаолият билан илмий тадқиқотларни қандай уйғунлаштира олгансиз.

— Мен кўп йиллардан бери ер куррасидагихалқларнинг, шу жумладан, ўз халқимизнинг маданиятлари, анъаналари, урф-одатлари бўйича илмий изланишлар олиб бораман. Халқнинг бойлиги, фахри, шуҳрати — унинг маданиятида, тарихида, тилида, анъаналаридадир. Меҳнатсеварлик, бировлар ғамига шерик бўлишлик, инсонларни севиш, болаларни ардоқлаш, катталарга ҳурмат, ҳотам ва ҳамиятли бўлиш, бардош ва кечиримлилик сингари халқимизнинг фазилатлари замирида бир олам маъно ётади. Бундай сифатлар таҳсинга сазовордир.

Афсуски, баъзи амалдор кишилар ўзларининг ношудлиги туфайли халқимизнинг бундай фазилатларини сўнгги йилларда тушунмадилар ва унга зарар келтирдилар. Бир-икки йилдан буён эса ўша анъаналаримиз қайта туғилмоқда, маданиятимиз, урф-одатларимиз учун тахтиравон йўл очиб берилди. «Наврўз»нинг янги мазмунга эга бўлиши, қадриятларимизнинг бўй ростлаши, динимизга катта эътибор берилганлиги шулар жумласидандир.

Ҳаётда баъзилар аввал мансабга эга бўлиб, кейин илмий иш олиб борадилар. Баъзилар эса бунинг аксини қилади. Менимча, инсон бир умр илм қидириши, изланиш билан шуғулланмоғи даркор. Бу—буюк, савоб иш. Шундагина бундай кишини халқ эъзозлайди, ҳурмат қилади. Шундагина бундай кишининг қадри баланд бўлади, обрў-эътибори мустаҳкамланади.

— Ғайни Нажимович, Сиз етмишдан ошдингиз. Кексаларнинг гапи бор: инсон бу ёшда қариликни бўйнига олади, дейдилар. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Ҳа, кишилар бахтли қарилик, бор дейдилар. Мен бунга қўшилмайман. Чунки, гўзал ёшликдан узоқлашиш, фаол ҳаракатни тўхтатиш бу бахтиёрлик эмас. Назаримда, қарилик икки хил бўлади: хотиржам, тўкис қарилик ва ташвишли кексаликдир.

Ташвишлигиси шундаки, кексайган киши эътиборсиз қолади, ёлғизликка юз тутади. Биров сени қутмайди, изламайди. Бундан Оллоҳ сақласин!..

Иккинчи бир вазият: сени одамлар эъзозлайди, сен билан гаплашишни орзу қилишади, ҳурматга сазовор бўласан. Фарзандлар оғушида яйрайсан...

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, ҳозирги кексаларимизнинг кўпчилиги эътиборга муҳтож деб ўйлайман. Қарияларимиз кўнглини кўтарайлик, ҳамиша уларнинг ёнида бўлайлик, қалбларига қулоқ тутайлик, уларни моддий-маънавий рағбатлантириш ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини унутмайлик.

Кейинги пайтларда тузилган турли хил хайрия жамғармалари, «Маҳалла» тизимидаги янги ташкилотлар катта амалий фаолият кўрсатмоқдалар. Етим-есирларга, қаровчиси бўлмаган, ногирон кексалар тўғрисидаги ғамхўрликларни энг буюк ишлар деб ҳисоблайман. Бундай савобли ишларга қўл урган ҳар бир кишига тинимсиз раҳмат, дегим келади.

— Ҳаётий шиорингиз?

— Яхшилик қилишга шошилмоқлик. Яхшилик қилиш — бойликни омонат кассасига қўйиш билан баробардир. Яхшилик уруғини ўзгалар қалбига қадаган одам бир умр унинг самараларидан баҳраманд бўлади, ўша яхшиликлар ўзига минг карра бўлиб қайтади.

— Муштарийларимизни онглангиз, фарзандларингиз ҳақидаги мухтасар маълумот қизиқтирса керак?..

— Янгангизнинг исмлари Ғаноборхон, эллик йил давомида у киши бизга, биз у кишига парвона бўлиб келяпмиз. Она, уй бекаси, ҳамнафас, ҳамнишин инсон сифатида у кишидан мингданмингга розиман. Шу боис уйимдан дўстларим аримайди, кўнглим қаримайди.

Биргаликда олти фарзанд — икки ўғил, тўрт қизни балоғатга етказдик. Улар ҳозир халқимиз хизматида...

— «Тошкент ҳақиқати» муштарийларига тилакларингиз?

— Мен «Тошкент ҳақиқати»ни 1954 йил 9 февралда чиққан биринчи сонидан бошлаб ҳамиша севиб ўқиб келаман. Баъзан сотувда қолмаса, бошқа жойлардан бўлса ҳам излаб топаман. Рўзномангиз ходимларига ҳамиша омад ёр бўлаверсин, кириб келаётган 1993 йил янги-янги бахт-саодат келтирсин.

Суҳбатдош
Р. УМАРОВ.

Шавкат УРАЗАЕВ, академик.

ХАЛҚ АНЪАНАЛАРИ ЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон давлат мустақиллигини эълон қилиши билан юртимиз катта ўзгаришларга юз тутиб, янги қиёфага кирмоқда. Маданият, тил, халқ урф-одатлари ва анъаналари қайтадан тўла тикланмоқда. Ривожланиб бораётган демократлашув жараёнлари жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий янгиланишига асос солди. Бундай шароитда маданият, анъаналар ва урф-одатлар борасида фан ютуқлари ва давр талабларини ўзида мужассамлаштирган фикрлар ва қоидалар янгича аҳамият касб этади.

«Халқ анъаналари ва маданият» китобининг муаллифи Ғайни Нажимович Нажимов бу соҳада бир неча ўн йиллар давомида самарали ишлаб келаётган таниқли файласуф олим ва жамоат арбобидир. Китоб яқинда «Ўзбекистон» нашриётида рус тилида чоп этилди. Муаллиф ўз ўтмишдошлари асарларини танқидий назардан ўтказиб, бой илмий ва адабий материалларни ўрганиш асосида оригинал рисола яратди, у мутахассислар ва ёшларга катта фойда келтиради.

Китобда келтирилган Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Мирзо Бедил ва бошқа мутафаккирларнинг фикрлари ҳозирги пайтда давр, жамиятнинг ахлоқий негизларига қўйилаётган талабларга ўхшаб кетади. Беруний «Ўзингга қарши бўлса ҳам ҳақиқатни айтиш керак» деб ёзган эди. Навоий эса «Одами эрсанг демагил одами, ониким йўқ халқ ғамидин ғами» деб куйлаган эди. Ўз вақтида ана шу алломалар даъват этган инсонпарварлик, дўстлик, меҳнатсеварлик анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришдан муҳимроқ, аҳамиятлироқ нарса бўлиши мумкин эмас.

Ғ. Н. Нажимов ўз китобида жуда кўп муаммоларни кўтаради. Булар халқ анъаналари ва урф-одатларининг жамият ҳаётидаги мавқеи ва халқнинг бой маданий қадриятлари ҳамда илғор анъаналарнинг алоқаси, шунингдек миллий ва халқ анъаналарининг ўзаро бир-бирига таъсири, энг яхши халқ анъаналарини тиклаш муаммолари, илғор анъана ва урф-одатларни ёйишда оммавий ахборот воситалари ва маданий-маърифий муассасаларнинг роли ҳамда реакцион анъана ҳамда қарқитларни бартараф этиш масалаларидир.

Китоб муаллифининг нуқтаи назари аниқ, тили равон ва тушунарли, ниятлари яхши. Китоб эътиборга молик фикр-мулоҳазалар кўплиги билан қониқиш ҳосил қилдиради. Унда жамиятни демократиялаштириш жараёни ривожланиши ва Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ғоялар тантана қилиши билан боғлиқ янги қарашлар ўз ифодасини топган.

Шубҳасиз, фойдали бўлган бу китобни ўқувчилар мамнуният билан кутиб олдилар.

Унинг муаллифи истеъдодли олим, чуқур мулоҳазали ва зукко файласуфдир. Унинг марҳумларга таъна қилиш ҳамма даврларда ҳам одобсизлик ҳисобланганлиги ҳақидаги сўзлари эсда қолади. Ўтганлар ҳақида ёмон гап айтиш, — деб ёзади Ғ. Нажимов, — марҳум номи орқасида ўзини улуғлашга интилишдир. Жуда топиб айтилган гап бу.

Истак тариқасида баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтиш мумкин.

Муаллиф, жамиятнинг янгиланиши демократлашувни бошлаб берди.., ёки «маънавий тикланишсиз ҳеч бир сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар бўлиши мумкин эмас...» деб ёзади. Бу ерда бизнингча, аксинча бўлиши керак. Жамиятнинг янгиланиши асосий сабаб эмас, балки демократиялашув оқибатидир, қайта ўзгаришлар эса маънавий тикланиш шартлари ҳисобланади.

Китоб муаллифи шу кунларда ўзининг етмиш йиллигини нишонламоқда. Фурсатдан фойдаланиб, унга мустаҳкам соғлиқ ва янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

БОЛАЛАР ТЎҒРИСИДА КИМ ҚАНДАЙ ҒАМХЎРЛИК ҚИЛМОҚДА

ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ ПЛЕНУМИДАН

Янги Конституциямизда онолик ва болаликни давлат муҳофаза қилиши алоҳида қайд этилганлиги бу масалага ғамхўрликнинг яна бир ифодасидир.

Деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари вилоят касаба уюшмаси ҳам ўз фаолиятида ана шу долзарб вазифага алоҳида эътибор бермоқда. Яқинда бўлиб ўтган пленумда худди шу масала муҳокама этилди. Бу ҳақда маъруза қилган вилоят деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси **К. Шодиметов** ўтган давр мобайнида бу соҳада олиб борилган ишларни таҳлил этди.

Кейинги йилларда қишлоқ жамоа ва давлат хўжаликларида мактаб ёшигача бўлган болалар муассасаларини қуриш, ривожлантириш, улардаги тарбиявий ишларни жонлантириш, боғча-яслилар таъминотини яхшилаш борасида маълум ишлар қилинди. Фақат кейинги уч йил мобайнида давлат ва жамоа хўжаликларида 23 та болалар боғчалари қурилди. Бундай муассасаларни озиқ-овқат билан таъминлайдиган махсус омборлар ташкил этилди. Бир қатор боғчаларда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Маълумки, мактаб ёшигача бўлган болалар муассасаларини қуриш ва уларнинг нормал фаолият кўрсатишини йўлга қўйишда хўжалик раҳбарлари, соғлиқни сақлаш, халқ таълими органлари ва касаба уюшмалари ташкилотлари зиммаларига катта масъулият юклатилгандир.

Аксарият жойларда бу масъулият чуқур ҳис қилинган ҳолда иш олиб борилмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра айни пайтда қишлоқ жойларда 233 мингдан ортиқ мактаб ёшигача бўлган болалар бор. Улардан 73 минг нафари боғчаларда тарбияланади. Бу дегани — жойлардаги мактаб ёшигача бўлган болаларнинг атиги 30 фоизидан кўпроғигина боғчаларга жалб этилгандир. Айрим районларда эса бу кўрсаткич яна ҳам паст. Бунга Янгийўл, Ўрстонлиқ, Оҳангарон, Ўртачирчиқ, Чиноз туманлари мисол бўла олади. Вилоят бўйича мактаб ёшигача бўлган болалар муассасаларига 15 минга яқин бола, шу жумладан Қибрай туманида 3 мингдан зиёд, Тошкент, Ўртачирчиқ туманларида 2 мингдан зиёд бола учун ўринлар етишмайди. 67,6 минг болага мўлжалланган 599 та боғчада меъёридан 5,4 мингдан зиёд бола ортиқча жойлаштирилган. Бир қатор йиллар давомида фойдаланилаётган кўплаб болалар боғчаларида жорий таъмирлаш масалалари ҳал этилмай келинмоқда. 50 фоиздан зиёд болалар муассасалари мослаштирилган биноларга жойлашган. Уларда иситиш, сув билан таъминлаш, чиқиндиларни оқизиб юборадиган қувурлар ўтказиш ҳал этилгани йўқ. Шунингдек, боғчаларни қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминоти ўта ночор, умуман, жиҳозлар, идиш-товоқлар етишмайди.

Овқатлантиришни ташкил этишда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Гўшт, сариёғ, тухум, қанд, шакар, сут маҳсулотлари таъминотида узилишлар бўлиб туради. Тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ҳам талабга жавоб бермайди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кўплаб аёлларимиз меҳнат билан банд-дирлар. Лекин меҳнатга лаёқатли бўла туриб қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида қатнашолмаётган аёллар ҳам анчагина. Чунки болалар муассасалари яхши ишламаганлиги туфайли бола тарбияси билан кўпроқ шуғулланишга мажбур бўлмоқдалар.

Мактаб ёшигача бўлган болалар муассасалари учун кадрлар танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш масалалари туманларнинг маориф бўлимлари ва хўжалик раҳбарлари эътиборидан четда қолмоқда. Вилоят қишлоқ жойларида боғчалар олий маълумотли, малакали мудирлар ва тарбиячилар билан тўла таъмин этилмаган. Бу гап, айниқса, Бекобод, Қуйичирчиқ, Паркент туманларига тааллуқлидир.

Пленумда айрим районлардаги илғор жамоаларнинг болалар муассасалари ишини ташкил этишдаги тажрибалари қайд этилиши билан бирга кўпроқ юқоридаги сингари йўл қўйиладиган камчиликларга тўхталиб ўтилди.

Маърузачи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар ҳозирги бозор иқтисоди шароитида болалар муассасалари ишини тубдан яхшилаш учун нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида фикр алмашдилар.

— Хўжаликда, — деди Паркент туманидаги «Гулбоғ» давлат хўжалиги боғча мудираси **Хурсаной Шомаликова,** — иккита болалар боғчаси бор бўлиб, 140 дан ортиқ бола тарбияланмоқда. Тарбиячилар олий ва ўрта маълумотга эга. Боғчада спорт майдончаси, ёзги соғломлаштириш ҳовузлари ишлайди. Боғча ҳудудида ажратиб берилган ерда сабзавот етиштирилади. Кичкинагина боғ ҳам ташкил этилган. Сабзавот—мева ўзимиздан чиқади. Давлат хўжалиги раҳбарлари яна бир саҳоват кўрсатдилар: улар ўн сотих ерда иссиқхона қуриб бермоқдалар. У битгач бу ерда цитрус ўсимликларини етиштиришни мўлжаллашмоқдамиз.

Оҳангарон районида 24 та болалар боғчаси бор. Уларда меҳнаткашларнинг 1500 дан зиёд болалари тарбияланади.

— Лекин бизда ютуқлардан кўра муаммолар кўп, — деди Оҳангарон тумани касаба уюшмаси қўмитасининг раиси **Раҳматилла Йўлдошев,** — улардан бири озиқ-овқат таъминотидир. Тўғри, биз бу соҳада ишни яхшилаш мақсадида айрим чоралар кўраяпмиз. Лекин бу етарли бўлмаяпти. Баъзи бир таклифларимиз ҳокимият томонидан қўллаб-қувватланди. Натижада иккита база қурилди. Уларнинг биттаси Нурободдадир, иккинчиси туман матлубот жамияти қошида. Боғчаларни таъминлайдиган дўконлар эндиги сариёғ, пишлоқни узлуксиз оладиган бўлишди. Янгийўлдан олиб келишга эҳтиёж қолмади. Лекин сарф-ҳаражат кўпайиб кетганлиги учун бир бола учун ойига ўртача минг сўмга яқин маблағ керак бўлмоқда. Афсуски, айрим хўжалик раҳбарлари бу ҳаражатдан қочиб, болалар боғчаларини қисқартириш йўлига ўтмоқдалар. Бу мутлақо нотўғри ҳатти-ҳаракат деб ўйлайман. Илгари туман деҳқончилик саноати бирлашмаларида боғчалар ва мактаблар иши билан шуғулланадиган мутахассислар фаолият кўрсатардилар. Айни пайтда бундай штатлар қисқартириб юборилган. Менимча нотўғри қилинган. Боғчалар ҳозирги пайтда юқори хўжалик органларининг назоратидан четда қолмоқдалар.

«Ғаллақудуқ» давлат хўжалигининг директори **Г. П. Грищенко** боғча ишини ташкил қилиш соҳасидаги тажрибаси билан ўртоқлашди.

Бу ерда 620 бола бор, боғчалар 450 ўриндан иборат. Бу, албатта, етишмайди.

Хўжаликнинг ташкил топганига 29 йил бўлди. Янгича авлоднинг янгича фикрлайдиган кишилар бўлиб етишиши учун асосий замин боғчада қўйилади. Буни унутмаслигимиз керак. Отаоналар яратиб берилаётган шароит ва имкониятдан миннатдор бўлмоқдалар. Чунки улар пул тўламайдилар, хўжаликнинг ўзи ҳамма сарф-ҳаражатларни зиммасига олган. Бироқ ўйинчоқлар учун жуда кам миқдорда лимит ажратилган. Физкультура комплексларига керакли жиҳозларни сотиб олиш анча мушкул бўлмоқда. Назаримда кичкинагина бўлса ҳам жиҳозлар ишлаб чиқарадиган цех очиш керак.

— Туман ҳокимияти, — деди Оққўрғон тумани деҳқончилик-саноат уюшмаси раиси **Қ. Омонов,** — хўжалик раҳбарлари касаба уюшмаси қўмиталари бозор иқтисоди шароитида олинган даромадларни сарфлашда болалар боғчаларитармоғини ривожлантиришни ҳам қатъий ҳисобга олмоқда. Бунинг учун маълум миқдорда маблағ ажратилади. Жумладан, Сегизбоев номли давлат хўжалиги ўн миллион сўм пул ажратди. Хўжаликда Болтиқбўйи республикаларидан келтирилган лойиҳалар бўйича физкультура ва соғломлаштириш комплекси қурилаяпти. Бундай комплекс туман марказида ҳам барпо этилади. Лекин муаммолар ҳам кўп. Бюджетдаги боғчаларга ҳам, хўжалик боғчаларига ҳам талаб бир хилда қўйилади. Бироқ таъминот турличадир. Хўжалик ўз боғчаларига фақат сут, қатиқ, озиқ-овқат маҳсулотларинигина етказиб бера олади холос. Уларни жиҳозлар билан ким таъминлаши керак?

Бу ҳақда чуқур ўйлаб кўриш ва аниқ чоралар кўриш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Музокарада вилоят соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг муовини **Н. Ф. Бондаренко,** Қибрай тумани ҳокими муовини **С. А. Отегов,** вилоят халқ таълими бўлими мудири **О. А. Тожиев** ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар.

Пленумда муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Пленумда деҳқончилик—саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитасининг раиси **Т. Қўшаев** қатнашди.

• Лавҳа

УМР МАЗМУНИ

ШУНДАЙ одамлар борки, улар умрининг мазмуни фақат меҳнату, модий бойликлар яратишдан иборат бўлади. Бундай кишилар ҳеч қачон қийинчиликлардан, оғир меҳнатдан, етишмовчиликлардан нолимайдилар. Борига, етказганига шукур қилиб, кўнгли тўлиб, яшайдилар. Уларнинг яна бир фазилати шуки — меҳнатлари учун мактов эшитишни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Ишда ҳам, йиғинларда ҳам, тўй-маъракаларда ҳам кўпчилик қаторида бўладилар.

Ана шундай кишилардан бири — Исмоил Абдуҳамидов. У 38 йилдан буён Бўка районидаги Ҳамза номли жамоа хўжалигида меҳнат қилади.

Исмоил ака 36 йиллик сувчилик касбида қанча километрлаб ариқларни ёқаламади, дейсиз.

Исмоил ака ҳаётининг мазмунли ўтаётганлигини белгилайдиган яна бир муҳим омил — унинг оиласи, ўн бир фарзанди. Табиатан камтарин, суҳбатдошига доимо кулиб қарайдиган Исмоил аканинг муомаласи, феъли-атвори оиладаги муҳитга, болалар тарбиясига нақадар яхши таъсир этганлиги фарзандлар тимсолида намоён бўлаяпти. Тўнғич фарзанд Маҳфират —ўқитувчилик қилади. Абдурауф — давлат автомобиль назорати ходими. Абдумажид — тажрибали даволовчи шифокор сифатида халқ ичида обрў қозонган, Абдужаббор — ҳисобчи. Каромат — тикувчи, Мавжуда — тарбиячи, Абдусаттор ва Абдуғанилар—шофёр, Машкура — шифокор, Абдуғаффор — ота касбини танлаб деҳқончилик билан шуғулланади, Абдували — ўқувчи.

— Ҳамма яхшиликларнинг калити меҳнатда, — дейди хонадон соҳиби. — Бир ишга чин кўнгилдан киришган, албатта, муродига етади. Мустақиллик шарофати, Президентимизнинг ижарачилик, деҳқон хўжалигини кенг ривожлантириш тўғрисида кўраётган тадбирлари жамоа хўжаликлари учун ҳам, деҳқон учун ҳам, қоласверса, унинг меҳнати мевасидан баҳраманд бўлаётган кўпчилик учун ҳам жуда маъқул бўлмоқда. Ўтган 1991 йилда шартнома асосида икки киши шоли экиб, 13 тонна дон етказиб бердик, 0,7 гектар ердаги картошкадан 9 тонна ҳосил йиғиб топширдик. Шартнома мажбуриятидан ортган ҳосил ўзимизга қолди. Бундай шароитда яшаш — фақат ишнинг кўзини билиб ишлаш керак.

Деҳқончилик осон эмас. Масалан, парваришда ярим кун ҳаялласангиз кўп нарса йўқотасиз. Бу йил ҳам 1 гектар майдонга картошка экиб, маҳсулотимизни Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари ишчиларига сотдик, ўз хўжалигимиз, болалар боғчаларига етказиб бердик. Хўжалик ҳисобига 35 минг сўм тушди. 2 гектарлик шолидан ҳам кўзланган хирмон яратилди. Шартнома мажбуриятини ошириб бажарилди. 10 тонналик ҳосил хирмонга тўкилди.

Ишимиздан кўпчиликка наф етса, ўзимиз ҳам манфаатдор бўлсак, топганларимиз орзу-ҳавасларимизга сарфланади-да!

Оила бошлиғи Исмоил Абдуҳамидовнинг ҳаёти ана шундай мазмунли ўтаяпти.

Темур ҲАЙДАРОВ.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР •

САМОЛЕТ УРИБ ТУШИРИЛДИ

● АМЕРИКА Қўшма Штатлари ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли Ф-16 қирувчи самолёти якшанба куни саҳарда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўрнатган «учиш таъқиқланган минтақа» чегарасини бузиб ўтган Ироқ жангговор самолётини уриб туширди. АҚШ Марказий қўмондонлиги вакили подполковник Марк Мартинеснинг гапига қараганда, чегара можароси БМТ таъқиқ минтақаси ўрнатган 32-параллелдан тахминан 20 миль жануброқда содир бўлган.

Америкалик учувчилар можаро содир бўлган ерга етиб келган Ироқ ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли қутқарувчи вертолётнинг ортга қайтиб кетишига йўл қўйдилар. Подполковник Марк Мартинес учувчи тақдири хусусида лом-мим демади.

ҲАРБИЙ ВАКИЛНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● «ИРОҚ мамлакат жанубида ўзининг самолётини уриб туширган Америка қирувчиларига қарши муносиб равишда жавоб беришга ҳақлидир», Ассошиэйтед Пресс ахборот маҳкамасининг хабар қилишича, Ироқнинг ҳарбий вакили ўтган йили август ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ўрнатилган таъқиқ минтақасида содир бўлган чегара можароси тўғрисида сўзларкан, ана шуни маълум қилди.

Вакилнинг сўзларига қараганда, америкаликлар Ироқ сарҳадларида ва мамлакатнинг ички чегаларида соқчилик қилаётган самолётни уриб туширдилар. Ушбу империалистсионистларча тажовузкорлик Ироқ халқининг қатъий норозилигига сабаб бўлади ва жаҳон аҳли томонидан қораланади, деди у.

ПОЛИЦИЯ АҚЛДАН ОЗДИ

● ТОКИОДАГИ муҳожир чўнтаккесарлар тўдасини қўлга туширишучун шу йилнинг апрель ойидан бери жонини жабборга бераётган Япония полициясиҳам маънода ақлдан озди. Бу ускаси фаранг ўғрилар маҳаллий аҳолидан шилган пул — фақат қайд этилгани 33 миллион иен (тахминан 260 минг доллар)дан ошиб кетди, деб хабар беради РАТА-ТАСС мухбири.

Полиция шу ҳафтада 6 чўнтаккесардан иборат тўдани қўлга олишга муваффақ бўлди. Ўғрилар сўроқ давомида японларнинг ўз чўнтак ва сумкаларини эҳтиёт қилишга одатланмагани уларни бу ерга оҳанграбодан тортганинг ўзи олишди. Полициянинг фикрича, Лотин Америкасида чўнтаккесарларни ҳали кўча жиноятларига кўникмаган бадавлат ва бепарво Японияга жўнатиб турадиган йирик бир жиноий гуруҳ мавжуд.

БУРИЛАРГА МАРҲАМАТ КЎРСАТИЛДИ

● АЛЯСКА штати маъмурлари минтақадаги бўриларни 300—400 тага камайтириш режасидан воз кечгани тўғрисидаги қарорини эълон қилди. Ҳайвонларни ҳимоя қилиш тарафдорлари бўлган ташкилотлар сайёҳларни Аляскага ташриф буюрмасликка даъват эта бошлагач, қўрқиб кетган маъмурлар шу қарорни қабул қилишга мажбур бўлишди.

Шаҳар маъмурларининг қўрқиб кетгани бежиз эмас, албатта. Негаки, сайёҳлар ташрифидан Шимолий Америкининг бу штати ҳар йили 1 миллиард доллар фойда кўради.

ТАНКНИНГ БАХТИ БОР ЭКАН

● АМЕРИКА Қўшма Штатлари элчихонасининг машинаси Сомали ғарбидаги Бардер шаҳри яқинида танкка қарши кўмиб қўйилган минадан портлаб кетди. АҚШ давлат департаменти хавфсизлик зобитларидан бири ҳалок бўлди, жароҳатланган уч зобит эса вертолёт ёрдамида Магодишо портида турган «Триполи» десантчи кемасига олиб келинди. Пентагон вакили полковник Ф. Пек журналистларга шу ҳақда хабар берди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан маъқулланган «Умидни тиклаш» ҳарбий операцияси бошлангандан бери дастлабки қурбонлардир.

«БЕФАҲМ» ЎҒРИЛАР

● ЎҒРИЛАР Норвегия Бош вазири Харлем Брундтланднинг вилласини тунаб кетишди. РАТА—ТАСС мухбирининг ДПА ахборот маҳкамаси хабарига асосланиб маълум қилишича, жиноятчилар ҳукумат бошлиғи йўқлигидан фойдаланиб, уйга дераза орқали киришган.

Ўғрилик содир бўлган вақтда бош вазир журналистлар билан йиллик учрашув ўтказаётган эди. Қизиғи шундаки, қимматбаҳо буюмларни ўмариб кетган «учқаклар» бу уй кимга қарашли эканини билишмаган. Гап шундаки, Х. Брундтланднинг Ослодаги энг гўзал масканларидан бирида жойлашган ёзлоғи даврли кўринланмайди ва унинг атрофи ҳатто тўсиқлар билан ҳам ўралмаган. Агар ўғрилар уй бекасининг исми ёзилган почта қутисини кўришганда эди, шубҳасизки, бу номаъқулчиликдан воз кечишарди.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА
• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР •

М. АЗИМОВА: „ИХЛОС СИЗДАН, ДАВОЛАШ БИЗДАН“

АЙТИШЛАРИЧА, инсон ўз қобилияти даражасини ҳали англаб етмаган ва шахс имкониятини тўлиқ қамраб олувчи худуд тушунчаси ҳам фақат инсбийдир. Бироқ, инсоннят тараққиётининг турли поғонасида ўзидаги ички ва ташқи имкониятларни қисман бўлса-да, умумлаштира олган, яъни руҳ ва вужуд бирлигига интилиб ўтганлар кўп бўлган. Улар қолдирган мерос (илмийми, абадийми, бундан қатъий назар) ҳалигача бизларни лол қилиб келмоқда.

Ўзимизда ҳам мавжуд чексиз имкониятлар юзага чиқмагани боис, биз ақлимиз етмаган ҳар бир воқеага мўъжиза деб қарашга ўрганиб қолганмиз.

Ақлимиз қамрови торлик қилгани боис, мўъжиза номини олган воқеа, ҳодисалар эса кейинги кезларда жуда ҳам кўпайиб бормоқда. Экстрасенслар, телепатик қобилиятли кишилар, руҳий муолажакорлар, башоратчилар, афсунгарлар... Албатта, бу «мўъжиза»ларга қараш ҳаммада бир хил эмас. Кимдир умуман ишонмайди, кимдир ишонса-да, эътироф этгиси келмайди. Яна кимдир астойдил ихлос қиладн...

ЎЗБЕКИСТОН Ёзувчилар уюшмасининг Орол ва Оролбўйини асраш қўмитаси қошидаги «Нажот» хайриясавоб фирмаси шифокори Малика Азимова ҳам нодир қобилиятли аёллардан бири. Малика ва унинг ноёб қобилияти, амалга оширган «мўъжизалари» тўғрисида эшитмаган одам жуда кам.

— Туғилгандан бери шол бўлиб ётган ўн беш ёшли қизни оёққа турғазибди...

— Врачлар умид йўқ деган бемор ҳам унга келиб шифо топибди...

Бу каби «гаплар» ҳозир кўпчиликнинг оғзида.

Аслида ким у — Малика? Унинг мўъжизакор сири нимада? Биз Малика бошқош бўлган шифо масканига борганимизда шу хаёллар оғушида эдик. Шу сабабдан ҳам у билан суҳбатлашиш билангина чекланиб қолмай, уни турли хил вазиятларда кузатишга ҳам ҳаракат қилдик.

Бежирим ва оддийгина кийинган, чамаси 30-ёшлардаги бу истараси иссиқ аёл билан биринчи мулоқотдан кейиноқ унга нисбатан қалбингиздан яқинлик ва ишонч сезасиз. Ҳаттоки бироз ҳафсалангиз пир ҳам бўлади: негаки сиз кутган илоҳийлик ташқи томондан ярқ этиб кўзга ташланмайди-да.

Маликанинг изоҳи: «Ҳамма нарса инсоннинг дилида бўлиши керак. Илоҳийлик даъвоси билан, оқ рўмол (ҳижоб) ўраб, тасбиҳ ўгириб ўзини гўёки ҳар қандай нарсадан устун қўювчилардек тутишни ошиқча деб ҳисоблайман. Чунки менга мурожаат қилганлар, аввало, менда шифокорни кўришларини истайман».

Хонага бир аёл турмуш ўртоғи билан киради. Малика дарҳол уларга юзланади.

Ташхис пайти: бемор курсига ўтиради. Шифокор унинг орқа томонига ўтиб, қўлларини боши узра юритади.

— Белингизда оғриқ бор, бошингиз ҳам оғриб туради. Кейинги пайтларда чап оёғингизда ҳам оғриқ сезяпсиз...

Саноқли дақиқаларда аниқ қўйилга ташхис беморни ҳам бизни ҳам ҳайратга солди. Тўғри-да, бемордан бир оғиз ҳам касаллик тарихи ҳақида, кайфияти хусусида сўрамасдан унинг дилидагини айтиб бериш осонми? Беихтиёр кўз олдингизда турли хил қоғозларни тўлдираман деб хаёли қочган бемор олдида бир даста қоғоз билан худди терговчидек синчиклаб сўроққа тутаётган врач гавдаланади. Олдин табиий кўринган ҳол энди кўзингизга эриш туюлади.

Дарвоқе, Малика қандай қилиб ҳеч бир асбобсиз саноқли дақиқаларда аниқ ташҳис қўя олди?

— Буни тушунтириш жуда мушкул, — дейди Малика, — беморни текшира бошлашим биланоқ унинг жисми худди экрандагидек кўз олдимда намоён бўлади...

— Демак, бемор сизга ўзи ҳақида ахборот берар экан-да, — сўраймиз унинг жавобидан қаноатланмай.

— Қисман. Кўпроқ ахборотни «бошқа томондан» оламан.

Биз ҳеч нарсани тушунмаймиз. Лекин, унинг гапларининг маъзини чаққандек бош қимирлатиб қўямиз.

Руҳий муолажа пайти: махсус хонага барча беморлар таклиф қилинади. Малика ширин, таъсирчан овозда руҳий таъсир ўтказа бошлайди. Беихтиёр у айтаётган ҳар бир сўзни бутун вужудингиз билан ҳис қила бошлайсиз... «Кўзлар юмуқ. Чуқур нафас оламиз. Фикрлар хотиржам. Аъзоим, ҳозир сизнинг танангизга секинаста илиқлик кириб кела бошлайди. Бу илиқлик вужудингиз ичра сингиб, бутун дардингиздан фориғ қила бошлайди. Энди эса руҳингиз танангизни тарк этиб, мовий осмон узра худди оппоқ қабутардек учиб кетмоқда... Ана, сиз учяпсиз...»

Унинг руҳий муолажасида ўтирганларнинг инсон вужудига «мўъжиза» деса бўлгудек таъсири.

Руҳий муолажадан сўнг Малика оддийгина қилиб касалликнинг келиб чиқиши, уни бартараф этиш йўлларини тушунтира бошлайди. Муолажанинг беморларга қанчалик таъсир кўрсатганлигини шу тариқа аниқлайди. Соғайиб бораётганлар муолажада ўтирганларга ўзи ҳақида қисқагина қилиб сўзлаб беради.

Сўнгра беморларни зарур бўлса, уқалаш ва игна билан даволашга киришади. Биз эса бир олам таассуротлар оғушида изоҳталаб тушунчаларга аниқлик киритиш мақсадида Маликанинг хонасига юрамиз.

— Сиз шифокорсиз. Лекин нима учун инсон жисмини даволашда руҳий муолажага асосий эътиборни қаратяпсиз, — дея савол билан унга юзланамиз.

— Чунки руҳан чиниққан киши ҳеч қачон касал бўлмайди. Руҳи заифлашган инсонга эса касаллик тез ёпишади. Мен шундай кишиларга руҳий мадад беришга интиламан. Бу, албатта, бемор жисмига турли хил муолажа усуллари орқали ёрдам бериш билан биргаликда олиб борилади.

— Инсонни фақат руҳий муолажа билан даволаса бўладими? — иккиланиброқ сўраймиз яна ундан.

— Албатта, бўлади... Мен ҳеч қандай дори-дармонсиз беморларни тиббиёт ва табобат фанларидан олган билимим ҳамда иш фаолиятим давомида орттирган тажрибамга суянган ҳолда даволашим мумкин.

Маликанинг сўзларини қамраб олишга ақл ожизлик қилади. Ишонмай десангиз турли жойлардан келган турли касб эгаларининг сўзларини эшитиб, яна ишонасиз қоласиз.

— Ўзим шифокорман, қарийб йигирма йилдан буён талабаларга сабоқ бериб келаман, — дейди Тошкент давлат медицина-педиатрия институти болалар касаллиги кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди Ёрқин Хошимов. — Лекин сўнгги пайтларда остеохондроз касаллиги қаттиқ ҳуруж қила бошлади. Дард устига чипқон, деганларидек илгаридан бўлган радикулит ҳам бирдан қўзғалди. Шифо истаб, касалхонада қарийб бир ойдан кўпроқ қийналдим. Лекин аҳволим яхшиланиш ўрнига тобора оғирлашиб, юролмайдиган бўлиб қолдим. Рости шу пайтгача руҳий муолажакору табибларга, дуохону башоратчиларга ишонмасдим. Оғир дард мени Маликанинг олдига етаклаб келди. Тўрт-беш сеансдан сўнг аҳволим яхши томонга ўзгарди. Ҳаттоки, ҳеч нарса кўрмагандек юриб кетдим. Врач сифатида шуни таъкидлайманки, Малика нафақат тажрибали шифокор, балки ўзининг ноёб қобилиятини кишилар саломатлигига бағишлаган мурувватли инсон ҳамдир. Унинг ғўзаллиги тиббиёт илмини чуқур эгаллаганида, бемор қалбидаги илинжни «қўзғай» билишида. Зеро, машҳур табибларимиз «одам қалбини даволамасдан туриб, унинг танасига қўл урган табибнинг қўли синсин» деган жумлаи-калимани бежиз айтишмаган экан. Мен бунинг маъносини Малика фаолиятидан илгагандек бўлдим...

Ёрқин ака узоқ гапирди. Маликадан миннатдор бўлиб яшашини қайта-қайта такрорлади. Бу бир беморнинг оғзидан эшитганимиз, холос. Лекин минг бор эшитгандан кўра, бир бор кўрган афзал, деган таомилга амал қилиб, имкон қадар шундай фурсатни пойлардик. Яхши ният ёрти мол, деганларидек, ниятимиз ўша куниёқ амалга ошди.

Бундан аввалги сеансларни кузатганимизда чамаси олти ёшлардаги болани кўтариб олган ўрта бўйли киши ҳамманинг диққатини ўзига тортганди. У ҳар гал сеанс тугаши билан болани кўтарганча одамларга ғалати қараш қиларди-да, ҳаммадан илгари эшик томон йўл оларди. Бунинг боисини ўзидан сўрашга истиҳола қилиб, Маликадан суриштириб, боласининг оёқ-қўли ишламаслигини ва забони йўқлигини билиб олгандик.

Зал узра кутилмаганда кимдир «юрди, юриб кетди» дея овозининг борича бақирди. Ҳаммамиз овоз келган томонга қарадик. Бу бизга ўша ғамгин ҳолда юрадиган таниш чеҳра эди. Унинг юзидаги ғамгинликдан асар ҳам қолмаган. Ўзини қўярга жой тополмас эди. Ота кўзидан шашқатор ёш оқарди.

— Мен Қарши шаҳридаги 7-микрорайон, 8-уй, 3-хонадонда истиқомат қиламан, исми-шарифим Мустафо Сафаров, — дея ўзини таништирди кейинроқ бу киши. — Фарзанд доғида қарийб 6 йилдан буён куямиз. Ўғлимнинг олти ойлигида тоби қочиб, тўсатдан оёқ-қўли ишламай қолди. Ўшандан буён шифо излаб, қоқмаган эшигимиз қолмади. 1989 йилдан буён республика болалар невро-психология касалхонасида йилда икки мартадан даволандик. Лекин ўзгариш бўлмади. Сўнгра Малика опа ҳақида эшитиб, бу ерга келдик. Биринчи қур даволаланишдан сўнг боланинг кайфиятида ўзгариш сезилмади.

Чиқмаган жондан умид, деб иккинчи бор келдик. Тўртбеш муолажадан сўнг ўғлим юра бошлади... У бошқа гапираолмади. Юраги тўлиб кўзидан дув-дув ёш келди. Бу севинч кўз ёшлари эканлигини ҳаммамиз ҳис қилиб турардик...

— Мен ҳам сиз каби оддий инсонман, — дейди Малика шифо излаб турли томондан келган беморларга, — фақат фарқим шундаки, мен сизларнинг шифо топишларингизни бошқаларга қараганда кўпроқ истайман, холос.

«Нажот»нинг нажоткорлари: Фирмага келгунимизга қадар муолажа ўтказиладиган хоналар тасаввуримизда кўримсизгина бир жойдек туюларди. Лекин бу ерга келганлар шифохонадаги шароитдан бироз бўлса-да, кўнгиллари таскин топади. Шифохона дахлизига бошдан оёқ поёндоз тушалган. Ҳаммаёқ озода ва шинам. 6—7 хонадан иборат турли муолажалар ўтказиш хоналари ўзига хос жиҳозланган. Залнинг бир томонлама қўйилган юмшоқ ўриндиқларида жойлашиб олган 30 чоғлик одам навбат кутиб туришибди. Уларга разм соламиз. Ҳар бирининг дарди ичида. Лекин ортиқча бетоқатланишлар йўқ. Қўлларига бир энлик қоғозни ушлаганларича ўз навбатлари келиши билан муолажага кириб кетишмоқда. Биз эса «Нажот»нинг нажоткорлари билан танишишда давом этамиз. Улардан бирининг хонасига кирамиз: Абдулқосим Ирисбоев. Ихтисоси бўйича шифокор, терапевт-пульмонолог. 1987 йилдан буён турли хасталикларни тиббиёт тиғлари, малҳам юборувчи ниналар ва дори-дармонларсиз даволаш билан шуғулланади. Асосан, у ўпка, ичак, бронхиал астма, бронхит, ринит, аллергиянинг барча турлари, ошқозон ва буйрак касаллигини, шунга ўхшаш юздан ошиқ хасталикларни даволайди. Бу борада талайгина ютуқларни қўлга киритган.

Хўш, Маликанинг даволаш сири ҳақида маълум тушунчага эга бўлдик. Лекин бунисининг сири нимада?

— Жуда ҳам оддий, — дейди у.—Мен новосибирсклик машҳур шифокор К. П. Бутейконинг шогирди сифатида у ишлаб чиққан махсус нафас олиш гимнастикаси усулидан кенг фойдаланаман.

Бунинг илмий асосланган усул эканлигидан озгина бўлса-да хабаримиз бор. Бироқ, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида эшитмаган экан-миз. Гап шундаки, тиббиёт илмида касалликни чуқур нафас олиш усули орқали даволашга кенг ўрин берилган. Лекин Абдулқосим аканинг муолажаси бунинг бутунлай аксидир. Яъни нафас олиш чуқурлигини камайтирувчи машқлар орқали муолажа олиб борилади. Шунингдек йог системаси, руҳий таъсир ўтказиш усулларидан ҳам кенг фойдаланади.

Нажоткорлардан яна бири Мовлуда опа Дадажонова. У ўзининг башоратлари билан кейинги пайтда кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Бу ерга шифо истаб келганлар, албатта, унинг башоратидан оғоҳ бўлиб кетишга ҳаракат қилишади. Тўғри-да, ким ҳам ўзининг ўтмишидан ва келгусида уни нималар кутаётганлигидан бохабар бўлишни истамайди.

У башорот қилиш билан биргаликда бахти боғланганларнинг йўлини очади. Турли хил қайтариқлар қилади.

Дуохон домла — Абдураҳим Макканинг ёнига кириш учун ҳам навбат кутиб турганлар кўп. Ислом динига эътиқод қўйганлар, унинг сеҳрли дуоларидан шифо топганлар ҳам анчагина. Шунингдек бу ерда Абдусамад Азимов, Гулнора Жуманиёзова, Дилноза Мўминхўжаева, Мавлуда Аҳмадиева, Инна Беняминова, Людмила Бородавка каби ноёб қобилиятлилар меҳнат қилишади. Бу нажоткорлар ҳам бутун куч-ғайратларини, билим ва тажрибаларини хаста кўнгилларинг тузалишига сарфламоқдалар...

● СУРАТЛАРДА: муолажалар пайти.

С. МАҲКАМОВ олган суратлар.

Хуллас, бу даволаниш маскани кишига чоғроқ-қина шифохонага қиёслайдиган малҳам хазинасини эслатади. Дарҳақиқат, малҳам. Ана шу биргина оддий сўзнинг замирида инсонларнинг билиб-билмай бой берган гавҳарлари — саломатликлари мужассам. Нанки, бемор қалби бир оғизгина ширин сўз тагида яшириниб ётган малҳамга муҳтож. Тан олиш керак, орамизда ана шу оддий ҳақиқатни кўрмайдиган, бемор қалбига қулоқ тутмайдиган, ўзининг қадр-қимматини пул билан ўлчайдиган табиб ва тиббиётчилар ҳам топилади. «Нажот»да эса бунинг акси. У исми жисмига монанд номини — «Нажот»ни беморларга нажот бўлиш билан оқлаяпти. Боз устига савоб фирмаси бўлгани боис кишиларга ўз меҳр-муруввати билан шуҳрат қозонмоқда. Чунки ҳозирги пайтда инсон саломатлиги учун зарур бўлган дори-дармонларнинг нархи осмонда. Уни тополсангиз-ку яхши. «Нажот» эса дори-дармонлар топиб келиш учун «йўлланма» бермайди. Аксинча, малҳам дея аталувчи «дори»ни сизга тортиқ этади. Ушбу даволаниш масканига шифо истаб борганлар, албатта, ўз мақсадларига эришадилар. Сўнгги пайтларда соғлиқлари юзасидан шикоят қилиб юрганлар яхшиси «Нажот»га борсинлар! Унинг манзилгоҳи: Тошкент райони, Халқаро ўрмон хўжалиги институтининг ўқув-тижорат маркази биноси, «Нажот» ҳайрия савоб фирмаси.

Тошкент шаҳридан қатновчи 169, 179, 231, 176, 431-автобусларнинг ДАН бекати.

Холтўра ШАФОАТОВ.

Муҳаммад ОТАЖОНОВ

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг кекса ташкилотчиларидан бири, республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, Қуйичирчиқ районидаги «Огонёк» давлат хўжалигининг собиқ директори Муҳаммад Отажонов 89 ёшида вафот этди.

Отажонов 1903 йилда ишчи оиласида таваллуд топди, у меҳнат фаолиятини жуда ёшлигидан бошлаганди. Ишлаш билан бирга айни вақтда ўқиди. Педагогика техникумини тугаллагач, бошланғич синфларга дарс берди. Қозон шаҳрида малака ошириб қайтгач, бир қанча раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилди, сўнг қишлоқ хўжалиги техникумида директор бўлиб ишлади.

Улуғ Ватан урушида қатнашди. Взвод командири, полк командирининг адъютанти сифатида алоҳида ўрнак кўрсатди.

Муҳаммад Отажоновнинг ҳақиқий таланти, раҳбарлик ва ташкилотчилик қобилияти қишлоқ хўжалиги соҳасида намоён бўлди. У 1945 йилдан 1950 йилгача Самарқанд вилояти Пастдарғом райони «Пастдарғом» узумчилик совхозига директорлик қилди. Сўнгра «Ўзбеквино» трести бошлиғининг ўринбосари лавозимига кўтарилди. 1952 йилдан қарийб қирқ йил давомида Қуйичирчиқ районидаги «Огонёк» боғдорчилик совхозида директор бўлиб ишлади. Унинг даврида бу хўжалик юксалди, иқтисодий бақувватлашди, боғдорчиликдаги шуҳрати ҳатто Иттифоққа ёйилди.

Муҳаммаджон ота Отажоновнинг хизматлари муносиб тақдирланди: у икки марта Ленин ордени, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ва бир марта «Октябрь революцияси», II даражали Улуғ Ватан уруши орденлари ва қатор медаллар билан мукофотланган.

Меҳнат фаолияти давомида халқ хўжалиги кўргазмасининг бронза, кумуш ва олтин медаллари олишга ҳам муваффақ бўлган эди. Республикада ахамиятига молик шахсий пенсионер, ўзининг фидокорона меҳнати, юксак инсоний фазилатлари билан эл-юрт ўртасида ҳурмат ва эътибор қозонди. Боғдорчиликни ривожлантиришда ўзига хос тажриба мактаби яратди. Республиканинг таниқли, омилкор боғбони сифатида бу соҳада кўпгина шогирдлар етиштирди.

Муҳаммад Отажоновнинг хотираси дўстларидан, боғбон-соҳибкорлар, уни яхши билган қадрдонлари, ёр-биродарлари қалбида сақланади.

С. Сайдалиев, А. Ибобеков, Л. Тернових, А. Абдувосиқов, Б. Махситов, А. Раҳимбоев, Ҳ. Ҳамидов, А. Алимов, М. Исматов, Р. Каримов, М. Мирзаев, З. Раҳматуллаев, Т. Ризаев, Ж. Ҳоназаров.

КЎРГАЗМА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари музейида ўлкада йигирманчи йилларда шаклланган биринчи миллий ҳарбий тузилмалар, қисмлар ва қўшилмалар жанговар йўли бошланишига бағишланган кўргазма очилди.

Улар бизнинг биринчи миллий батальон, эскадрон ва полкларимиз ҳисобланади. Зеро, миллий армиямизнинг тарихи ана шулардан бошланган эди.

Фуқаролар уруши фронтларида туғилган ёш ўзбек тузилмалари юксак ҳарбий маҳорат ва қаҳрамонлик кўрсатдилар, Туркистон фронти қўшинлари таркибида турли йўналишларда ҳарбий операциялар ўтказдилар. Улар орасида 19-ўзбек тоғли отлиқ аскарлар дивизияси алоҳида ўрин эгаллайди. Дивизия 1921 йилнинг апрелида шаклланиб, жангларда тобланди. Миркомил Миршаропов, Собир Раҳимов, Иброҳим Бекжонов, Юнус Наримонов сингари ҳарбий бошлиқлар етишиб чиқди.

Маълумки, ўттизинчи йилларнинг охирларида армиямизнинг кўплаб жанговар ва командирлари қатағон қилинди. Улар орасида дивизия командири М. Миршаропов, комиссарлардан Ю. Наримонов, Б. Ёқубов, эскадрон командири Х. Шукуров ва бошқалар бор эди. Кўргазмада уларнинг фотосуратлари ва ҳужжатларга кенг ўрин берилган. Кейинги авлодга мансуб ўзбек командирларининг ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилувчи экспозиция ёнида гвардия полковниги Маҳмуд Қосимов, подполковник Ғулом Раҳимов, гвардия майори Назир Назаров ва бошқаларнинг суратини кўриш мумкин. Улар ҳам ўз жанговар йўлларини шу қўшилмада бошлаган эдилар. Бу ерда ўзбек генералларидан Собиржон Охунжонов, Муллажон Узоқов, Файзулла Норхўжаевнинг суратлари ҳам кўрамиз.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

ТОШКЕНТ шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси муассасаларининг ходимлари бу йилги йиғимтерим мавсумида ўзларини пахтакорлар деб билиб, вилоятимизнинг Қуйичирчиқ районида бевосита дала меҳнаткашлари билан ёнма-ён бўлдилар ва 100 тоннадан зиёд ҳосилни йиғиб олишга кўмаклашдилар.

— Масъулиятли дамларда шаҳар ва қишлоқ кишилари ўртасида боғланган ҳамкорлик ҳозир ҳам давом этмоқда, — дейди шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи Қ. Т. Ризаев, — Яқинда бир гуруҳ йирик мутахассислардан иборат шифокорларимиз Қуйичирчиқ райони марказий шифохонасида уч кунлик сафарда бўлиб қайтдилар. Улар билан биргаликда аҳоли истиқомат жойларида, фельдшерлик, акушерлик пунктлари, поликлиникалар, шифохоналарда бўлиб аҳолига турли ихтисосликлар бўйича хизмат кўрсатишда кўмаклашдилар.

Қишлоқ аҳолисига тиббий ёрдам беришда 17-шаҳар касалхонаси шифокори Ғ. Солихов, 5-туғруқхона акушер-гинекологи З. Топлу, 5-стоматология поликлиникаси шифокори Н. Маркова, 24-болалар поликлиникаси бош шифокори муовини Д. Ким, 1-шаҳар шифохонаси жарроҳи А. Шариповларнинг алоҳида фаоллик кўрсатишди.

Ш. ОБИДОВА.

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 1993 йил 1 январда чиқади).

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ЧИРЧИҚДА ВОЛЬФРАМ «ЭКИЛАДИМИ»?

Менделеев жадвалидаги вольфрам табиатда кам учраши маълум. Лекин Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати ходимлари учун вольфрам деҳқончилик шекилли, тонналаб четга жўнатишмоқда.

Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси назоратчилари С. Алиев бошқарган 52-35 ТНБ рақамли «КамАЗ» автомашинасини текшириб кўришганида 5,6 тонна вольфрам Саратов шаҳрига ғайриқонуний равишда жўнатилаётгани маълум бўлди. Натижада салкам 9,5 миллион сўмлик маҳсулот давлат фойдасига мусодара қилинди. Айбдор шахсларга жарима солинди.

Ғ. БОЛТАБОЕВ, Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси ходими, милиция майори.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-99-15.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.

Нашр кўрсаткичи: Г-516. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 23.30 31730 нусха босилади.